Бугунги сонда:

1—бет

НУКУСДА ОРОЛ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

2—бет

«ҚАЕРДА ҚОНУН ХУКМРОНЛИК ҚИЛСА, ШУ ЕРДА ЭРКИНЛИК БЎЛАДИ».

3—бет

«МЕН... ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИГА КИРАР ЭКАНМАН, ХАЛҚИМГА, ПРЕЗИДЕНТИМГА СОДИҚ БЎЛИШГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН!».

5—бет

БУТУН ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ИЖОДКОРЛАРИ ОРАСИДА НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ОЛИШГА БИРИНЧИ ДАЪВОГАР.





Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 13 январь, пайшанба № 11—12 (21.616). Сотувда эркин нархда.

МУҲОКАМАДА—ОРОЛ МУАММОСИ



СУРАТДА: анжуман пайти.

А. ЗУФАРОВ тасвири (ЎзА).

НУКУС, 11 ЯНВАРЬ. (ЎзА махсус мухбири Ғулом Мирзаев).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида бугун Нукусга келди. Шаҳар аэропортида икки давлат раҳбари бошчилигидаги делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 26 мартда Қизил Ўрда шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол денгизини асраш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган, шу мавзудаги навбатдаги учрашувни Қорақалпоғистон пойтахтида ўтказишга келишиб олинган эди. Уни ташкил этиш Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ва Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига топширилганди. Ниҳоят ана шу режа рўёбга чиқди.

Анжуманда қатнашиш учун Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов, Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари Юрий Яров бошчилигидаги мазкур давлатлар расмий делегациялари Нукусга етиб келди. Анжуман ишида Марказий Осиё давлатларининг экспертлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтган анжуманни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов очди.

— Оролбўйи аҳолисини тоза сув, дори-дармон билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигида заҳарли дориларни қўллашни чеклаш борасида анча ишлар қилинди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Минтақадаги давлатлар раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Орол сувининг камайиши тўхтатилди. Шунга қарамай, Оролдаги экологик фожиа ҳавзадан олисдаги ҳудудларда яшаётган кишилар саломатлигига ҳам таъсир этмоқда. Оролнинг фалокати сув заҳираларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, етарли маблағларнинг йўқлиги билан узвий боғлиқ. Энг аввало, Марказий Осиё жумҳуриятлари, қолаверса, халқаро ташкилотлар ёрдамида бу фожианинг олдини олиш мумкин. Биз келажакка умид билан қараймиз.

Қозоғистон Республикаси Президенти, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси раиси Н. Назарбоев ўтган давр ичида қилинган ишлар ҳақида маълумот берди. Маълумки, бу жамғарма Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Қизил Ўрдадаги учрашуви чоғида ташкил этилган эди. Қисқа вақт мобайнида АҚШ, Франция, Англия, Испания, Бельгия, Туркия каби давлатлар раҳбарларидан, бир қанча халқаро ташкилотлардан қўллаб-қувватловчи мактублар олинди. Эндиликда ана шу интилишларни мувофиқлаштириш, режалардан амалий ишга ўтиш пайти келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик Оролни асраш ташаббуси катта аҳамиятга молик тадбир эканлигини, халқаро ташкилотлар ундан ўз ёрдамини аямаслигини таъкидлади.

Музокаралар якунида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш тўғрисидаги низом ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий равнақини ҳисобга олган ҳолда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яқин йиллар ичида яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар дастури имзоланди.

Анжуман ниҳоясида унда иштирок этган давлатлар раҳбарлари журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИШТИРОКИДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН II КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА БАЁНОТ

1994 йил 11 январь куни Нукусда Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Россия Федерацияси давлат делегацияси иштирокида конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев, Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси И. Раҳмонов, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Ю. Яров, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг ҳукумат бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгашининг ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси бошқарувининг аъзолари, вазирлар ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар. Конференцияда БМТ вакили Холид Малик ҳам қатнашди.

Бу учрашув — анъанага айланиб қолган, 1993 йил январида Тошкентда, кейинчалик 1993 йил мартида Қизил Ўрда шаҳрида асос солинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам фикр алмашувининг давомидир.

Конференцияда Орол денгизи ҳавзасидаги ҳозирги аҳвол билан боғлиқ кўпгина масалалар, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси маблағлари қандай тўпланаётгани муҳокама қилинди ҳамда жамғарма фаолияти маъқулланди. Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ҳисобга олган ҳолда яхшилаш юзасидан яқин 3—5 йил ичида бажарилиши лозим бўлган муайян вазифалар белгиланди. Халқаро Кенгаш низоми тасдиқланди ҳамда бу кенгаш ижроия органининг раҳбари тайинланди. Бу масалаларнинг барчаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нукус шаҳрида БМТ ҳомийлигида халқаро конференция ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва халқаро кенгашга бу конференцияни тайёрлашга киришиш топширилди.

Навбатдаги амалий учрашув 1994 йилнинг иккинчи ярмида Тошовуз шаҳрида бўлади.

(ЎзА).

УРГАНЧ ВА САМАРҚАНДГА ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Нукусдан Урганчга келдилар.

Аэропортда меҳмонлар иззат-ҳурмат билан кутиб олинди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз бўйлаб сафари давом этмоқда.

* * *

УРГАНЧ, 12 январь. (ЎзА махсус мухбирлари Ғулом Мирзо, Рўзимбой Ҳасан). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур обидаларини зиёрат қилдилар.

Олий мартабали меҳмонлар Нуруллобой саройи, Ичон қалъа, Кўҳна арк, Шеърғозихон мадрасаси, Жума масжид каби X — XIX асрларга оид меъморий ёдгорликлар билан танишдилар. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси зиёрат қилинди. Шу ҳовли қошидаги икки давлат раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларининг кўплаб саволларига жавоб қайтаришди. Президентлар тарихи ва маданий мероси бир бўлган ўзбек ва қозоқ халқларининг келажаги ҳам муштараклигини алоҳида таъкидлашди.

Зиёрат давомида меҳмонларга Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов ҳамроҳлик қилди.

* * *

12 январь (ЎзА махсус мухбирлари Ғулом Мирзо, Ҳамза Шукур). Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун Урганчдан Самарқандга келди. Икки қардош мамлакат байроқлари билан безатилган қўналғада юксак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдурахмонов, шаҳар ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу куни Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

• *Эртага—Ватан ҳимоячилари куни*

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!»

ҚАСАМЁД

Мен... Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, қўмондонлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққати ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:** Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари куни этиб октябрь ойининг биринчи якшанбаси белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 декабрь.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.

АСКАР ҚЎШИҒИ

Тинч, мусаффо осмоним
бордир,
Ҳур бахтиёр давроним бордир,
Эътиқодим, имоним бордир,
Ватан учун хизмат қиламан!

Ўзбекистон — Ватаним менинг,
Озод маскан, гулшаним менинг,
Юрак-бағрим, жон таним менинг
Ватан учун хизмат қиламан!

Меҳнат билан ўлкам гуллагай,
Манзил сари олға йўллагай,
Темур бобом руҳи қўллагай,
Ватан учун хизмат қиламан!

Халқ меҳридан қудрат-кучимиз,
Элга хизмат — олий бурчимиз,
Дўстликдадир бизнинг кучимиз
Ватан учун хизмат қиламан!

Юрагимда Ватан туйғуси
Нигоҳимда қуёш ёғдуси,
Порлоқ, ойдин юртим келгуси,
Ватан учун хизмат қиламан!

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

12 январь куни Тошкентда ижтимоий соҳа муаммоларига бағишланган халқаро учрашув бошланди. БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда уюштирган бу семинар уч кун давом этади.

Халқаро учрашувнинг асосий вазифаси аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, атроф-муҳитни ва саломатликни муҳофаза қилиш, ижтимоий соҳа тармоқларини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўлини ишлаб чиқиш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш соҳасида ҳукумат ташкилотлари халқаро ва жамоат ташкилотлари ўртасида тағин ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатишдан иборат.

Халқаро семинарни очиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 1994 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш, халқ хўжалиги тармоқларининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, пулнинг қадрсизланиш жараёнларини бартараф этиш, пул муомаласини мустаҳкамлаш талаблари асосида ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси 1994 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари даромадлар бўйича 5181,8 миллиард сўм ва харажатлар бўйича 5619,3 миллиард сўм, бюджет тақчиллиги эса 437,5 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 5 фоиз миқдорида белгилансин.

2. Ҳудудни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ва уларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида республика бюджетининг умумий ҳажмида маҳаллий бюджетлар улуши 1994 йилда 35 фоиздан 50 фоизга кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки кун муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари ва даромадларидан ажратмалар нормативларини (фоиз ҳисобида) тасдиқласин.

3. Аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган ва муҳтож табақаларини ижтимоий муҳофаза этиш маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин. Молия вазирлиги ва республиканинг молия органлари 1994 йилги бюджет харажатларида умумий таълим мактабларининг I—V синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш, икки ёшгача бўлган гўдакларни болалар озиқ-овқатлари билан бепул таъминлаш, болаларга мўлжалланган товарлар бўйича 50 фоизли чегирмаларни, ёлғиз пенсионерларга кундалик энг зарур молларни меъёрланган асосда бепул бериш бўйича чиқимларни, уларни ўртача 3 баробар оширган ҳолда, сақлаб қолсинлар.

4. Ижтимоий соҳа органлари — соғлиқни сақлаш, маориф, фан, маданият, ижтимоий таъминот ва аҳолининг турмуш кечиришини таъминлаш билан боғлиқ бошқа тармоқлар маблағ билан устивор тарзда таъминлансин, бунда биринчи навбатдаги харажатлар: иш ҳақи, стипендия, пенсия ва нафақалар маблағ билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминланишига алоҳида эътибор берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бюджет тақчиллиги миқдорининг давлат инвестиция харажатларидан ошиб кетмаслигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет тақчиллигини қоплаш учун имтиёзли кредит ресурслари берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан белгилаб қўйилган бюджет тақчиллигининг чекланган миқдорини сақлаган ҳолда даромадлар бўйича ҳам, харажатлар бўйича ҳам бюджетнинг асосий кўрсаткичларига аниқлик киритиш, бюджет тақчиллигининг даражаси чекланган миқдордан ошиб кетган тақдирда эса — вақтинчалик тўловлар ва йиғимлар жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Республика халқ хўжалиги 1994 йилда нормал фаолият кўрсатишини ҳамда бюджетда назарда тутилган биринчи навбатдаги харажатларни маблағ билан узлуксиз таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вақтинча:

ресурс тўловларини бекор қилсин;

1994 йилда қўшилган қийимат солиғи ставкаси 25 фоиз миқдорида сақлаб қолиниб, унинг 6 фоизи корхона ва ташкилотлар ихтиёрида қолдирилсин;

халқ хўжалиги тармоқлари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги фаолиятидан олинадиган даромад солиғи ставкаларини, корхоналар мулкига солинадиган солиқни, колхозчилар меҳнат ҳақи фондига солинадиган солиқни ундириш тартибини, шунингдек корхоналарга бериладиган солиқ имтиёзларини қайтадан кўриб чиқсин. Бунда ишчанлик ва инвестицион фаолликни, тадбиркорликни ривожлантиришни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш моддий ҳажмини ва халқ истеъмоли товарларини кўпайтиришни рағбатлантирувчи имтиёзларни сақлаб қолишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси солиқ солинадиган даромадларни яшириш ҳолларининг олдини олишни, аҳолининг барча табақалари тадбиркорлик ва бошқа фаолият бўйича оладиган даромадларини декларация қилишга ўтишини наварда тутган ҳолда, тўланиши лозим бўлган тўловларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни кучайтириш механизмини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги солиққа доир қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши устидан, ўғирлик, суиистеъмол қилиш, камомад ҳоллари бўйича юборилган материалларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда айбдор шахслар қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши, улар давлатга етказган заарнинг ўрни имкон борича тўлиқ қопланиши юзасидан назоратни кучайтирсинлар.

9. Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва сўм-купон қиймати барқарорлигини сақлаб туриш мақсадида:

1994 йилдан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар учун иш ҳақи фондини иқтисодий жиҳатдан тартибга солиб туришни жорий этиш зарур деб топилсин. Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Меҳнат вазирлиги билан биргаликда маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг ҳар бир фоиз ўсишига иш ҳақи фонди ўсишининг норматив нисбатини ишлаб чиқсин.

Марказий банк, тижорат банклари халқ хўжалиги тармоқларининг корхоналари ва ташкилотларига иш ҳақи тўлаш учун пул бериш чоғида иш ҳақи фонди ўсиши ва маҳсулот ҳажми ўсиши ўртасидаги нормативнисбатга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

10. Республика бюджетининг 1994 йил 1 январгача бўлган ҳолатдаги амалдаги тақчиллик суммаси, шунингдек бюджет кафолати асосида марказлаштирилган капитал ажратмалар учун берилган кредитлар бўйича 1994 йил 1 январгача бўлган ҳолатдаги банк қарзлар суммаси давлат ички қарзлари суммасига ўтказилсин.

11. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг 1994 йил 1 январгача бўлган ҳолатдаги эркин қолдиғи истисно тариқасида республика бюджетига ўтказилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари бюджетни ижро этиш жараёнида унинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида қўшимча даромадларни излаб топиш, давлат маблағларини сарфлашда қатъий тежамкорликка риоя этиш, шунингдек бюджет тақчиллигини ноинфляцион йўсинда қоплашнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланган қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга доир ишларни давом эттирсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилги республика бюджети асосий кўрсаткичларини даромадлар бўйича 1700,0 миллиард сўм, харажатлар бўйича 1900,0 миллиард сўм, бюджет тақчиллигини эса 200,0 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 5 фоиз миқдорида аниқлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА

1-модда. Солиқ тўловчилар

Ушбу Қонун билан белгилаб қўйиладиган объектларга эга бўлган жисмоний шахслар мулк солиғи тўловчилардир.

2-модда. Солиқ солиш объектлари

Жисмоний шахсларнинг эгалигида бўлган турар-жойлар, квартиралар, богдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг боғ уйлари, гаражлар ва ўзга иморатлар, бинолар ҳамда иншоотлар, шунингдек моторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари (резина ғилдиракли автомобиллар, мотоциклар ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлардан ташқари) ушбу Қонунга мувофиқ солиқ солинадиган объектлар ҳисобланади.

3-модда. Солиқ ставкалари

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловлари солиқ солиш объектлари жойлашган (рўйхатдан ўтказилган) ердаги маҳаллий бюджетга киритилади.

4-модда. Солиқ имтиёзлари

Ушбу Қонунда белгилаб қўйилган барча солиқларни тўлашдан:

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан мукофотланган шахслар;

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, Улуғ Ватан уруши даврида ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органларида хизмат қилган, ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмларда, штабларда ва муассасаларда штатли лавозимларни эгаллаб турган шахслар, Ленинград шаҳри қамалини бошдан кечирганлар, концентрацион лагерларнинг собиқ кичик ёшли маҳбуслари, байналмилалчи жангчилар;

«Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган шахслар, шунингдек ўнта ва ундан ортиқ бола туққан ҳамда тарбиялаган оналар;

Чернобиль атом электр станцияси теграси доирасидаги, фалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашганлиги учун имтиёз оладиган (шу жумладан у ерга вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига йўлланган) фуқаролар озод қилинадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотларга солинадиган солиқ тўлашдан:

пенсионерлар, I ва II гуруҳ ногиронлари;

ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлмиш солдатлар, сержантлар, старшиналар, прапоршчиклар ва уларнинг оилалари — ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ даврида, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган шахслар;

ҳарбий хизмат вазифаларини адо этаётганда яралар бўлганлик, контузияга учраганлик ёки шикастланганлик натижасида ёхуд фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқалари (эрлари);

Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда яраланганлик, контузияга учраганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқ ва оддий аскар шахслар жумласидан бўлмиш ногиронлар озод қилинадилар.

5-модда. Солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Солиқларни давлат солиқ органлари ҳисоблаб чиқарадилар.

Солиқ имтиёзлари ҳуқуқига эга бўлган шахслар керакли ҳужжатларни солиқ органларига мустақил равишда тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотларга доир солиқ уларнинг ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолати юзасидан коммунал хўжалиги органлари берадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса — мазкур объектларнинг давлат мажбурий суғуртасига мувофиқ тўловларни ҳисоблаб чиқишда қўлланиладиган баҳо асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий эгалигида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун солиқ ҳар бир мулкдор томонидан мазкур иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Транспорт воситаларига солинадиган солиқ тўлов ёзиладиган йилнинг 1 январигача бўлган ҳолат бўйича, транспорт воситаларини рўйхатга олишни амалга оширувчи ташкилотлар ҳар йили солиқ органларига тақдим этадиган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун керакли маълумотлар солиқ органларига бепул тақдим этилади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар, шунингдек янги сотиб олинган транспорт воситалари юзасидан солиқ қуриб битказилган ёки сотиб олинган йилдан кейин келадиган йилдан бошлаб тўланади.

Бир неча жисмоний шахс эгалигидаги транспорт воситаси учун солиқ транспорт воситаси рўйхатда кимнинг номига қайд этилган бўлса, шу шахсдан ундирилади.

Меросга қолган иморат, бино, иншоот ёки транспорт воситаси учун солиқ мерос очилган пайтдан эътиборан меросхўрлардан ундириб олинади.

Иморат, бино, иншоот ёки транспорт воситаси йўқ қилинган, батамом бузилган ҳолларда солиқ ундириш иморат, бино, иншоот ёки транспорт воситаси йўқ қилинган ёхуд батамом бузилган ойдан бошлаб тўхтатилади.

Иморат, бино, иншоот ёки транспорт воситасига эгалик ҳуқуқи календарь йил давомида бир мулкдордан иккинчисига ўтган тақдирда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача бўлган давр учун, янги мулкдор эса эгалик ҳуқуқини қўлга киритган ойдан бошлаб тўлайди.

Календарь йил давомида солиқ имтиёзлари ҳуқуқи юзага келган тақдирда солиқ бу ҳуқуқ юзага келган ойдан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов қоғозлари солиқ органлари томонидан ҳар йили 1 мартдан кечиктирмай топширилади.

Мол-мулк эгалари солиқни тенг иккига бўлиб икки муддатда — 15 июндан ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлайдилар.

Солиқ тўловига ўз вақтида тортилмаган шахслар уни кўпи билан олдинги уч йил учун тўлайдилар.

Нотўғри олинган солиқнинг кўпи билан олдинги уч йиллиги қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

6-модда. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги

Ушбу Қонун талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Солиқ белгиланган муддатда тўланмаган ҳолларда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида пеня ёзилади.

7-модда. Солиқ ундирилишини назорат қилиш

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан вақтида, тўғри ва тўлиқ солиқ ундирилишини назорат қилиб бориш давлат солиқ органлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йилнинг 1 январидан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ойлик муддат ичида Ҳукумат, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатларини «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин ҳамда жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқлар ставкасини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 88-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 3-модда 1-бандининг «и», «к» ва «н» бандчалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«и) фуқароларнинг мулкчилик ҳуқуқи асосида ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан оладиган пуллари, мазкур мол-мулкни тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида сотишдан олинадиган даромадлар бундан мустасно;

к) фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда чорва моллар, қушлар, нутрия, балиқ, парранда ва бошқа жониворларни боқиб, уларни хоҳ тирик вазнида, хоҳ сўйилган ҳолда сотишдан ва қайта ишлаш асосида олинган маҳсулотларини сотишдан, асаларичилик маҳсулотлари, шунингдек мазкур хўжаликда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини натурал ҳолида ва қайта ишлаб сотишдан оладиган даромадлари. Фуқаронинг шахсий ёрдамчи хўжалиги борлиги маҳаллий ҳокимият органининг маълумотномаси билан тасдиқланади;»

«н) фуқароларнинг суғурта юзасидан оладиган пуллари, суғурта бўйича суғурта бадаллари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳисобидан бериладиган ҳоллар бундан мустасно;».

2. 4-моддада:

2-банднинг биринчи хатбошисида «саккиз баробари» деган сўзлар «тўрт баробари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандининг «д» бандчаси «ҳаҳрамон оналар» деган сўзлардан кейин «ўн ва ундан ортиқ болалари бўлган аёллар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2-банд қуйидаги мазмундаги «н» бандча билан тўлдирилсин:

«н) Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг ходимлари барча даромадлари юзасидан».

3-бандининг «в» бандчаси чиқариб ташлансин;

3-бандининг «г», «д» ва «е» бандчалари тегишинча «в», «г» ва «д» бандчалари деб ҳисоблансин.

3. 8-модданинг 1-бандида келтирилган жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Фуқароларнинг иш ҳақи, мукофотлари ва бошқа даромадлари суммасидан қуйидаги миқдорда солиқ ундирилади:

Солиқ солинадиган йиллик даромад миқдори (солиқ солинмайдиган минимум чегирилган ҳолда)	Солиқ суммаси
минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 36 баробарига ча	даромад суммасининг 15 фоизи
минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 36 баробаридан (+1 сўм) 60 баробарига ча	минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 36 баробаридан олинадиган солиқ +36 баробаридан ортиқ сумманинг 20 фоизи
минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 60 баробаридан (+1 сўм) 120 баробаригача	минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 60 баробаридан олинадиган солиқ +60 баробаридан ортиқ сумманинг 30 фоизи
минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 120 баробаридан (+1 сўм) ва ундан ортиқ	минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 120 баробаридан олинадиган солиқ +120 баробаридан ортиқ сумманинг 40 фоизи»;

8-модданинг 3-банди чиқариб ташлансин.

4. 13-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Асосий иш жойидан бошқа ерда олинган иш ҳақидан ва бошқа тўловлардан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

1. Фуқароларнинг ҳар қандай даромадларига, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларига асосий иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олаётган даромадлари билан бир вақтда Қонуннинг ушбу моддасида назарда тутилган тартибда солиқ солиниши лозим.

2. Ушбу модданинг 1-бандида айтиб ўтилган даромадлардан солиқ мазкур Қонуннинг 12 ва 16-моддаларида белгиланган тартибда, тадбиркорлик фаолиятидан орттириладиган даромадлардан эса солиқ мазкур Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисоблаб чиқарилади ва ушлаб қолинади.

Бунда фуқароларнинг даромадларидан Қонунда белгиланган солиқ солинмайдиган минимумнинг ойлик миқдори суммаси истисно қилинмайди.

Фуқаролар йил давомида солиқ солинадиган йиллик жами даромадга асосан солиқни мустақил равишда ҳисоблаб чиқаришлари ва солиқ солинадиган умумий даромаддан ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан даромад тўловчи манба томонидан ушлаб қолинган солиқ суммаси ўртасидаги фарқни йилнинг ҳар чорагида камида бир марта бюджетга тўлашлари мумкин. Календарь йили тугаганидан кейин бу даромадлар тўғрисидаги маълумотлар фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги солиқ органига белгиланган тартибда тақдим этиладиган декларацияга киритилиши лозим.

Даромадларни тўлаган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда тадбиркор сифатида рўйхатга олинган фуқаролар ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай ўзлари турган жойдаги солиқ органларига ўтган йили ўзлари даромад тўлаган шахсларнинг доимий яшаш жойини кўрсатган ҳолда уларга тўланган даромад суммаси ва улардан ундирилган солиқлар суммаси тўғрисида маълумот тақдим этадилар. Айтиб ўтилган маълумотлар даромадлар олган шахсларнинг доимий яшаш жойидаги солиқ органларига юборилади. Солиқ органлари фуқаролар бир йилда олган даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этганларида ана шу маълумотларни эътиборга оладилар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан фуқарога муаллифлик ҳақи тўлаш ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларини нашр қилганлик, ижро этганлик ёки улардан ўзга тарзда фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналарининг муаллифларини тақдирлаш, шунингдек йиллик жами даромад бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш вақтида ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳаражатлар ҳисобга олинади. Агар бу харажатларни ҳужжатлар билан тасдиқлашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда бундай харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилаган тартибда ҳисобга олинади.

3. Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр этиш, ижро этиш ёки улардан ўзга тарзда фойдаланиш учун шартнома мавжуд бўлган тақдирда шу шартнома ҳисобидан аванс сифатида тўланадиган ҳақ узил-кесил ҳисоб-китоб вақтида қўшиб ҳисобланади ҳамда солиқ солиш мақсадида шартнома амал қилган йил миқдорига тақсимланади.

Бундай шартнома бўлмаган тақдирда, агар асарни яратганлик ёки биринчи марта нашр этганлик учун тўланадиган ҳақ минимал ойлик иш ҳақи миқдорининг 12 баробаридан ошса, бу сумма тўловчининг аризаси бўйича 3 йилга тақсимланади».

5. 14-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14-модда. Фуқаролар томонидан йиллик жами даромадни декларацияда ифода этиш ва йиллик жами даромад бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

1. Амалда олинган даромадлар ва қилинган сарф-харажатлар тўғрисидаги декларация фуқаролар томонидан ўзларининг доимий яшаш жойларидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиқмай тақдим этилади.

Ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ солиқ тўлаган фуқаро декларация тақдим этишдан озод қилинади.

Башарти йил давомида ушбу Қонуннинг 15-моддасида айтиб ўтилган даромад манбалари пайдо бўлиб қолгудек бўлса, фуқаролар бундай манбалар пайдо бўлган кундан бир ой ўтганидан кейин беш кунлик муддат ичида декларация топширадилар. Декларацияда биринчи ойдаги фаолият натижасида олган даромадларининг миқдори ва жорий йилнинг охиригача олиниши кутилаётган даромад миқдори кўрсатилади.

Даромад манбаи жорий йилнинг охирига қадар тўхтаган тақдирда у тўхтаган кундан бошлаб беш кунлик муддат ичида декларация тақдим этилади.

Декларацияда фуқаролар бир йил давомида олган барча даромадларини, бу даромадларнинг манбалари ҳамда ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ суммаларини кўрсатадилар.

Ушбу Қонуннинг 12, 13 ва 15-моддаларида назарда тутилган солиқ солинадиган даромадлар олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар декларацияда алоҳида ифода этилади.

2. Солиқ солинадиган йиллик жами даромад бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ва йил давомида ўтказилган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиқмай, йил давомида қайта ҳисоблаб чиқилган тақдирда эса солиқ органига декларация топширилган кундан эътиборан икки ойлик муддат ичида фуқаролар томонидан тўланиши ёки солиқ органлари томонидан фуқароларга қайтарилиши лозим».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилсин ва солиқ солинмайдиган минимал иш ҳақи ойига 30 минг сўм миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, №6, 2-модда):

71-моддасининг иккинчи қисмидан, 23-моддаси тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидан, 231-моддаси биринчи қисмининг 2-бандидан ва 169-моддасининг биринчи қисмидан тегишинча «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қилинган чайқовчилик (175-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари)», «чайқовчилик билан айбни оғирлаштирувчи ҳолатларсиз шуғулланганлик (175-моддининг биринчи қисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

175-моддаси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, № 6, 3-модда):

78-моддасининг иккинчи қисмидан «114-моддасининг 2, 3, 4-қисмларида, 115-моддасининг 2, 3, 4-қисмларида, 116-моддасида, 117-моддасининг 2 ва 3-қисмларида, 118-моддасининг 2 ва 3-қисмларида, 119-моддасининг 2 ва 3-қисмларида, 119-моддасида, 121-моддасининг «б» ва «в» бандларида, 122-моддасининг 2-қисмида; 175-моддасининг «б» ва «в» бандларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

108-моддасининг: биринчи қисмидан «175-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларида», учинчи қисмидан «130-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида», тўртинчи қисмидан «130-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида; 175-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин; ушбу модданинг бешинчи қисми «78-1» рақамидан сўнг «130» рақами билан тўлдирилсин;

379-моддасидаги «104, 114-1-моддаларида» деган сўзлар «104-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин ва «122-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил № 35, 411-модда):

21-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларидан, 232-моддасидан, 273-моддасининг учинчи қисмидан, 278-моддасининг иккинчи қисмидан, 288-моддасининг иккинчи қисмидан, 295-моддасидан, 305-моддасининг биринчи қисмидан ва 321-моддасининг иккинчи хатбошисидан «171» рақами чиқариб ташлансин;

171-моддаси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексининг айрим моддаларини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги Қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 35-модда) чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 декабрь.

• *Эртага—Ватан ҳимоячилари куни*

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!»

Танкчи қўшинларимиз ўз байрамларини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўқув машқи олдидан. 2. Н-қисм танк командири Ш. Ҳамроев.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

Бўлгайдир ҳар элнинг ўз ўғлонлари
Миллатининг фахри, қаҳрамонлари,
Керак бўлса фидо бўлгай жонлари,
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Ҳар даврў замонда юртни ўйлагай,
Қасамёдга содиқ, тўғри сўйлагай,
Қадимий шарқона қўшиқ куйлагай,
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Она диёримиз бўлгач мустақил,
Ҳарбда ҳукмфармо бўлди ўзлик тил,
Саф тортиб бирлашар барчаси бирдил,
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Тарихдан оламга машҳур Туроним,
Бугун озод эрур Ўзбекистоним,
Сенга фидо дегай, тан ила жоним,
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Мовий байроғингда ўн икки юлдуз,
Ҳамда моҳи ҳилол, кечаю кундуз
Ҳилпираб, остида турар ёруғ юз
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Ҳумодан кўтардинг бошинг узра туғ,
Азалдан қадаминг ҳумоюн, қутлуғ,
Қўймас сарҳадингга ғанимни ёвуқ,
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Аслзод фарзандлар ҳар баҳру барда
Жаҳондорлиғ этсин ҳарбий ҳунарда,
Доимо ёр бўлсин, қувонч, зафарга,
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Бу қутлуғ бахт бўлди сизларга насиб,
Темур юрган йўлни юрибсиз босиб,
Улуғ бобонгизга бўлинг муносиб,
Ватан сарбозлари, юрт посбонлари!

Олимжон БУРИЕВ.

• ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

...СЕН ҲАМ МАРДЛАРЧА ҲАРАКАТ ҚИЛ

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўзларининг мухтасар каломларида «Ватанни севмак иймондандур» деганлар. Бу сўзнинг мазмун-моҳиятида инсон ҳаёти, соғлом турмуш тарзининг тамойили ўз ифодасини топган. Шу боис Туронзамин аҳли Ватанни тарк этишни ҳаёлига келтирмаган, уни ҳимоя қилишда ҳамиша жон фидо қилган. «Менга биргина ҳаёт берилган, — деб ёзади Фузулий. — Бор-ю менга мингта ҳаёт берилганда ҳам ҳаммасини Ватан учун фидо қилган бўлур эдим». У ёғини сўрасангиз, яшаш учун ҳамма нарса етарли бўлишига қарамай, она-юртни қўмсаб ғазалу шеърлар битган Бобуру Фурқатларнинг кечинмалари ҳаммамизга аён.

Ватан — остонадан бошланади, дейишади. Биз беш йил давом этган қирғинбарот жангларда айнан ўша остонамиз, уйимиз, болалигимиз ўтган кўчалар, қишлоғу гузарлардан сира меҳримиз узилмаган. Инсон боласи ҳамиша яхши ният ва эзгу умид билан яшар экан, илтижолари мустажоб бўлишини кўп марта шоҳиди бўлганмиз. Ўқ ёмғири остида, сув босган, заҳкаш окопларда алам ўтган жангчиларнинг умидсизланиб; ёмон ниятга борганлари ва оқибатда ер тишлаб қолишганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Имони бут, сабр-қаноатли, уйидан, Ватанидан умидини узмаган, қолаверса муҳаббатига содиқ ўғлонлар омон-эсон яна юртларига қайтиб, ўз қувончларини қадрдонлари билан баҳам кўрдилар.

Сирасини айтсам, Ватан урушида миллиондан ортиқ ўғлонларимиз жангга киришган. Соҳибқирон Амир Темур руҳи мададкор бўлган Ватанимиз ўғлонлари орасидан ўнлаб қаҳрамонлар, шоншуҳрат нишондорлари, етук саркарда ва мутахассислари етишиб чиқди. Уруш қурбонсиз бўлмайди, дейишади. Ростини айтсам, бугунги кунда озод Ўзбекистон йигитлари оталари кўрсатган жасоратдан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

Муҳаммаджон РАҲИМОВ,
Улуғ Ватан уруши ногирони.

• ЙИГИТ СЎЗИДАН

ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР

Бу йил мамлакатимизда илк бор нишонланадиган Ватан ҳимоячилари куни арафасида Термиздаги чегара бўлинмаларидан бирида ёш аскарларнинг Ватанга, мамлакат Президентига, халқига қасамёд қилишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турган бўлинма майдончасида чегарачи зобит ва аскарлар саф тортди. Давлат мадҳияси янгради.

Мамлакатимизнинг жанубий чегараларини ҳушёрлик билан қўриқлаётган аскарлар сафига келиб қўшилган ёшлар ҳаётида бу кун ҳақиқатан ҳам унутилмасдир: улар ҳақиқий чегарачи, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилувчи жангчи бўлдилар.

— Бугун ҳаётингизда бир умр эсда қоладиган тарихий кундир, — деди чегара бўлинмаси зобити Жамолиддин Шоҳакимов. — Ҳарбий қасамёдга содиқ бўлиб, мустақил Ўзбекистонимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асрангиз, халқимизнинг осойишта меҳнати, тинч ҳаётини ҳушёрлик билан қўриқлангиз!

Маросимда аскарларнинг ота-оналари номидан сўзга чиққан Одил Абдураҳмонов, сержант А. Маношов, оддий аскар Т. Исмоилов ва бошқалар Ватан ҳимоячиларининг эл-юрт олдидаги муқаддас бурчи ҳақида гапирди.

«Шодлик» дастасининг куй ва қўшиқлари байрамга файз бағишлади.

Ч. ТЎХТАЕВ.

• ЯНГИЧА АНЪАНА

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТ

Бухоро вилоятида юртимиз аскарларини ҳарбий хизматга кузатиш, уларни кутиб олиш бўйича янгича анъана расм бўлди. Хусусан, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни кутиб олиш ўзига хос байрамга айланмоқда. Яқинда ота-оналар ҳамда аскарларнинг танишбилишлари «Зарафшон» дарёси кўприги яқинидаги йўл ёқасига тўпландилар. Байроқ ва алвонлар билан безатилган бу масканда карнай-сурнайлар чалинди. Ҳокимлик ва мудофаа ишлари бўйича мутасаддилар ташриф буюришди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам бу ерга келишган эди. Аскарлар тўла автомобиллар оҳиста тўхтаб, уладан ҳарбийча кийинган ўғлонлар кетма-кет тушаркан, ота-оналар қувончини, ёр-биродарлар севинчини сўз билан ифодалаш қийин эди.

Тантанали маросимда вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Азим Раҳимов ўзининг дил сўзларини изҳор этди. Ота-оналар ва аскар йигитларнинг миннатдорчилик сўзларидан кейин ҳаваскорларнинг чиқишлари бошланди. Йиғилиш охирида аскарларга фахрий ёрлиқлар берилди. Ғиждувон автомобиль мактабини тугатиб, кейин ҳарбий хизматни ўтаган Комил Бадиров билан Ғайрат Шариповларга 25 минг сўмдан пул мукофотлари берилди. Аскарларни бундай тантанали кутиш ва кузатиш маросимларини анъанага айлантиришга қарор қилинди.

Фазлиддин ШАМСИЕВ.

Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади. Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЎҒЛОНЛАР ШЕЪР ТИНГЛАШГАНДА...

● Тушунш ҳам гапми, айримлари ҳатто тўлқинланиб кетиб, ўзлари ёзган машқлардан ўқиб юборишди.

Хуллас, Самарқанддаги автомобиль командирлари тайёрлаш ҳарбий олий билим юртида бўлган учрашув узоқ вақт эсда қоладиган бўлди. Бу ерга ташриф буюрган шоирлар, ёзувчилар, журналистлар курсантларга ижод қийноқлари, адабиётнинг турмушдаги ўрни ҳақида гапирдилар, ўзларининг янги қораламаларидан ўқиб бердилар. Айниқса Хосият Бобомуродова ва Дилбар Халилованинг эҳтиросли шеърлари барчага манзур бўлди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Она-юрт меҳри*

ҒАМХЎРЛИК ТИМСОЛИ

Юртимиз посбонларининг анъанавий байрам кунини нишонлаш ҳақидаги хабар бўлинмамиз шахсий таркиби аъзолари ўртасида хушнудлик билан қарши олинди.

Аскар йигитлар ўртасида кўтаринки руҳ юзага келиб, она-Ватан сарҳадлари даҳлсизлигини таъминлашга азму қарор қилган ўғлонлар, ўқиш-ўрганиш ва жанговар тайёргарликда ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Албатта, Ватан ҳимоячилари кунининг байрам қилиниши Қуролли Кучларимиз жангчиларида фахр ва масъулият ҳиссини уйғотиши табиий. Шу боисдан, аскарлар ўқув йилининг ҳар бир кунини самарали ўтишига, ҳарбий техника сирларини чуқур ўрганишга, келажакда малакали ҳарбийлар бўлиб камол топиш учун зўр иштиёқ кўрсатмоқдалар.

Жангчиларимиз Ватан ҳимоячилари кунини байрам, сифатида нишонланишини Ўзбекистон Қуролли Кучларига кўрсатилган юксак ғамхўрлик ва катта эътибор тимсоли деб билмоқдалар. Айниқса, ҳарбий хизматни эндигина бошлаган аскарлар унвон жиҳатдан ўзларидан катта йигитларга эргашиш билан бирга, ҳарбий қисмимиз анъаналарига содиқ ҳолда жанговар тайёргарлик ва сиёсий ўқувда илғор бўлишга интилмоқдалар. Ўйлаймизки, Ватан ҳимоячилари хоҳ у аскар ё офицер бўлсин, она-юрт меҳридан баҳраманд бўлишга, мамлакатимизда юз бераётган буюк ўзгаришларни авайлаб-асрашга, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаверадилар.

А. МУСУЛМОНОВ,
лейтенант.

• *Командир обрўси*

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

Аскарлар ўз командирлари, катта лейтенант Акрам Аҳмедов номини ҳурмат билан тилга оладилар. Унинг буйруқларини сўзсиз бажаришга тайёр турадилар. Хўш, бу офицернинг аскарлар меҳрини қозонишига нима сабаб бўлдийкин?

Аввало, Акрам Аҳмедов ҳар бир аскар йигитни тушунишга, унинг интилишлари, нималарга қодирлигини билишга интилади. Ўзи эса ташкилий ва методик машғулотлар пайтида билганлари билан чекланмай, қўшимча ўқиб-ўрганганларини баҳам кўришга, саволларга атрофлича жавоб беришга тайёр туради. Бўлинманинг етакчи мутахассисларидан кичик сержант Б. Сатторов, оддий аскарлар И. Мамарасулов, И. Ҳошимов, А. Айтмуродовлар ўз командирларига ҳамкор ва ҳамнафас бўлиш билан бирга, ўқиш ва жанговар тайёргарликда камарбасталик қилмоқдалар.

— Гапни сирасини айтсам, —ҳикоя қилади А. Аҳмедов, — инсон боласи қаерда, қандай шароитда бўлмасин, эркинликни ҳис этмас экан, эзгуликнинг рўёбга чиқиши осон бўлмайди. Шунинг учун дала машқларими ёки техникани ўрганиш чоғларими аскарлар билан бўлган муомалада ҳарбийча тартиб-интизомга риоя этиш билан бирга қўл остимдаги ўғлонлардан меҳр риштасини узмасликка ҳаракат қиламан. Биринчи марта нишонланадиган Ватан ҳимоячилари куни бизнинг бўлинмамизда ҳам унутилмас таассуротларга бой бўлади, деган умиддаман.

Д. БАХТИЕРОВ,
капитан.

• *ЮЗМА-ЮЗ*

ҲАР БИРИМИЗ АСКАРМИЗ,

— ДЕЙДИ МУХБИРИМИЗ БИЛАН БАЙРАМ АРАФАСИДА БЎЛГАН СУҲБАТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ СУДИНИНГ РАИСИ, АДЛИЯ ПОЛКОВНИГИ НОРМЕЙЛИ НОРПУЛАТОВ.

— Нормейли ака, аввало янги байрам муборак бўлсин!

— Раҳмат.

— Биринчи йили қарангки, бу кун қутлуғ жума кунига тўғри келибди...

— Ҳақиқатан ҳам, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган барча ватандошларимиз шундай байрамнинг таъсис этилишини жуда орзиқиб кутишаётганди. Биласиз, аввалларги СССР даврида 23 феврални катта умумхалқ байрами сифатида нишонлардик. Мана, шундай қудратли, енгилмас деб тан олинган улкан давлат тарқалиб кетгач, барча мустақил давлатлар ўз миллий байрамларини тиклай бошладилар. Яқиндагина Россия Федерацияси ҳам ўз Қуролли Кучларининг байрами кунини белгилади. Бизнинг республикада ҳам бу ҳақда анчадан бери ҳар хил таклифлар ўртага ташланиб муҳокама қилинди. Балки Ўзбекистонда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилган куни ёки шу вазирликнинг мудофаа вазирлигига айлантирилган, ёхуд Ўзбекистонда биринчи Миллий гвардия ташкил этилган кунларни байрам куни деб белгиласак-чи, деган кўпдан-кўп таклифлар билдирилди. Хуллас, ёзувчи, шоирлар, ҳарбийлар, шу жумладан, барча соҳа вакиллари бу ҳақда ўз муносабатларини билдирдилар. Лекин, менимча, 14-январнинг Ватан ҳимоячилари куни деб белгиланишида рамзий маъно бор. Чунки Олий Кенгашимиз 1993 йилнинг худди шу кунида қабул қилинган қарорига биноан республикамиз ҳудудида жойлашган барча қўшилмалар, қисмлар, ҳарбий ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган эди. Ана шу куни республикамизнинг мунтазам армияси ташкил топган эди, десак янада тўғри бўлардик.

— Нега Армия куни ёки Қуролли Кучлар байрами деб аталмади?

— Ватан ҳимоячилари куни, деб белгиланишининг сабаби — бу нафақат, Қуролли Кучлар ёки муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларингина эмас, балки ҳаммамизнинг, яъни халқимизнинг умумхалқ байрами бўлиши керак эди. Чунки барчамиз шу Ватаннинг ҳимоячиларимиз-ку!

23 феврални эсланг, бутун мамлакатда жуда катта байрам сифатида нишонланарди. Йўқ, биз ундан андоза олмадик, аксинча, ўз мустақил давлатимизнинг яна битта ҳақиқий байрамини белгиладик.

Бу қутлуғ кунга тайёргарлик ишлари қандай?

— 14 январь бизлар учун ҳам шарафли, ҳам синов. Шарафлилиги — озод мамлакатимиз ҳимоячиларининг соф ниятлари ниҳоят ижобат бўлди. Энди ҳар йили бу кунда қанча ғурурлансак арзийди. Синов деяётганимнинг боиси, кўпга келган «тўй» — Бозор иқтисодиётининг ўткинчи қийинчиликлари ҳарбий ҳаётда ҳам сезилаяпти. Лекин шукрки, ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз, қолаверса, Мудофаа вазирлигимиз раҳбарлари бизларга ҳар томонлама кўмак беришаяпти.

Байрамни қандай кутиб олиш, қай тарзда нишонлаш аввало ўзимизга боғлиқ. Армияда энг муҳими, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш. Қаерда тартиб бўлса, ана шу ерда ютуқ бўлади. Албатта, ҳеч бир халқ ўз ҳимоячиларига бефарқ қарамаган. Шу жумладан, биз маҳаллий ҳокимият, кенг жамоатчилик ҳамда турли ташкилотлар билан байрамолди режаларимизни белгилаб олдик. Шу куни тантанали учрашувлар, концертлар тайёрланаяпти.

— Аслида биз — эркакларнинг ҳар биримиз шу мустақил Ватанимизнинг ҳимоячилари ҳисобланамиз, яъни ўзингиз айтганингиздек, ҳар биттамиз аскармиз. Ҳатто уруш кўриб келган боболаримиз ҳозир ҳам «мен аскарман» дея бекорга ғурурланмайди. Мана энди кўксимизга шамол тегди. Бизнинг ўз армиямиз бор, демоққа тўла ҳақлимиз. Сўрамоқчи бўлган саволим, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг «Тузуклари» ҳатто чет элларнинг мактабларида ўқитилар экан...

— Сизни тушундим. Бошқа бир мамлакатларда Темурнинг ҳарбий соҳага оид сабоқларини ўрганаётганларидан биз аввало мақтансак, ғурурлансак арзийди.. Минг афсуски, шўролар салтанати ҳукм сурган йилларда Амир Темурни бизга атайлаб қора қилиб кўрсатишди. Босқинчи, қонхўр дейишгача етдилар. Хайриятки, истиқлол туфайли соҳибқирон ўз элига, юртига қайтиб келди. Эсимда, университетда ўқиб юрган кезларимизда машҳур олим ва миллатпарвар инсон Отабой Эшонов «Темур тузуклари» тўғрисида иккита мақола тайёрлаб «Гулистон» журналига берганлар. Аммо мақола энди эълон қилинаётганда саҳифадан олиб ташланган ва ҳар хил гап-сўзлар тарқалган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучларида улуғ бобомизнинг қолдириб кетган «тузуклари»даги ҳарбий жанг маҳоратини ўрганиш, ҳарбий аскарлар, шу жумладан, уларга бўлган муносабат ҳозиргача ўз қадрини йўқотгани йўқ. Боиси, Темур бобомиз жамиятни табақаларга бўлган вақтларида ҳарбийларни тўртинчи табақага мансуб деб билган эканлар. Шунингдек, у киши ҳарбийлар давлат буюклигининг асосини ташкил этишини, мард ва жасур аскарларни тақдирлаш, унвонини оширишга алоҳида эътибор берган. Машҳур 12 рақамига доимо амал қилиш, жангларга аввалдан пухта тайёрланиш ҳамда қўшиннинг ўнг ва сўл қанотларидан, пиёда — отлиқ мил Миршаропов, Собир Раҳимов, сингари машҳур саркардаларимизнинг ҳам ҳарбий сабоқларини ўрганмоқдалар.

— Аскарларнинг ҳарбий тайёргарликлари борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу жуда мураккаб масала. Лекин Мудофаа вазирлигимиз раҳбарлари, шахсан вазирнинг ўзи қўлидан келган барча ишларни қилаяпти. Республикамизда Қуролли Кучларнинг жанговар ҳолати ҳозирги замон талаблари асосида бўлиши учун жуда катта тадбирлар амалга оширилаяпти. Албатта, қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, Ҳарбий Ҳаво Кучларида, ҳимоя ва бошқа айрим қўшинларда мутахассисларимиз ҳали етарли эмас. Уларни ўқитиш ва тайёрлаш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Вазирлик барча имкониятларни ишга солиб ҳарбий ўқув юртларининг тармоғини кенгайтириш борасида кўпгина саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Умуман олганда, бу соҳада маълум ютуқларимиз бор.

ТИЛ ҳар бир миллатнинг, халқнинг келажагини белгилаб беради. Бугун бизнинг армияда бу масалага муносабат қандай!

— Тўғри, мен бу соҳада ҳали қилинмаган ишлар борлигини эътироф этган ҳолда ҳозиргача амалга оширилган тадбирларни санасам, улар кишини қувонтиради. Энг аввало вазирликнинг ўзида Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг бажарилиши юзасидан жуда кўп амалий чора-тадбирлар белгиланди. Ҳарбий Низом қоидалари ўзбекчалаштирилаяпти. Алоҳида курсларда ўзбек тилида машғулотлар олиб борилаяпти. Лекин булар бир-икки йил орасида армияда бутунлай ўзбек тилида иш юритилади, дегани эмас. Чунки кўп йиллар давомида шаклланган қолипларни ўзгартириш осон кечмаяпти.

— Муборак ҳадисларда «Ватанни севмоқ — иймондандур» дейилган. Ватанни, миллатни, халқни севишни, ватанпарварликни ҳеч кимга мажбуран ўргатиб бўлмайди. Негаки Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамзотнинг юрагида яшайди. Бугун армияда хизмат қилаётган йигитларнинг кўнглида ана шу муқаддас туйғу қандай шаклланяпти?

— Президентимиз Ўзбекистон Конституциясининг 1 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузаларида бу ҳақда батафсил гапирдилар. Ҳақиқатан ҳам ҳар кимнинг ўз Ватани, эли битта бўлади. У қайси юртга садоқат билан хизмат қилса ёки шу юртнинг фарзандиман деб яшаса, албатта, шул тупроқнинг нонини ҳалоллаб есин. Бежиз «Ватандан ташқарида Бахт йўқ» деб айтмаганлар. Дарвоқе, Сиз юқорида айтаётган ватанпарварлик туйғусини ташвиқот ё тарғибот йўли билан мажбуран ҳеч бир юракка сингдириб бўлмайди. Бу мумкин эмас. Ана шу маънода бугунги Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган юртдошларимиз (қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар) Ўзбекистон деган ягона мамлакатда яшаётганларидан ғурурлансалар арзийди. Кўнгилларида қанча меҳр, туйғу бўлса очсин. Бугун шу юртга ҳалол хизмат қилмоқнинг даври келди.

Собиқ СССР пайтида ҳам ватанпарварлик кўкларга кўтарилиб мақталган. Аммо унинг йўриғи бошқача эди. Яъни у байналмилал ватанпарварлик ҳисобланарди. Охир оқибат не бўлди? Ўзлигимизни унутдик.

Бизнинг йигитларни қурилиш батальонларига олаверишди. Номдор қўшинларда бизнинг миллатдошларимиз кам учрарди. Энг ачинарлиси, болаларимиз Зарафшон бўйларидаги машҳур жангларнинг унутилмас тафсилотлари ўрнига Бородино ёки Куликово жангларининг тафсилотларини ипидан-игнасигача биларди. Ваҳолонки, Жалолиддин Мангуберди ёки Амир Темурнинг жанговар юришлари ҳақида ҳеч нарса билмас эдилар. Минг бора шукрки, истиқлол туфайли ўзимизни таниндик, элкамизга офтоб тегди.

— Қутлуғ байрам кунида Ватан ҳимоячиларига қандай тилаклар айтасиз!

— Доимо кўнглимда бир фахр туйғуси яшайди: у ҳам бўлса халқимизнинг иймонли, аҳил-иноқлиги, ҳалол-меҳнаткашлиги, сабр-бардошлилигидан ғурурланаман. Балки юртбошимиз ана шу муқаддас анъаналарнинг ҳаммасини тарозига солиб, Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлмоғини башорат қилганлари бежиз эмасдир. Не бўлганда ҳам бу байрам ҳаммамизники. Барча Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилаётган, қолаверса, ҳарбий соҳага ўзини алоқадор деб билган барча элдошларимга эзгу тилаклар йўллайман.

Норқобил ЖАЛИЛ
ғурунглашди.

НАЗОРАТ ОЙНАСИ

БИРНИКИ МИНГГА...

Республикамиз Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалашга қаратилган Фармон ва қарорларининг ижроси қай аҳволда? Ушбу масала юзасидан мухбиримиз Республика Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасида бўлиб, қўмита бош инспектори М. Раҳмонов билан суҳбатлашди.

— **Меҳмон Раҳмонович, бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофазаси борасида нима дейиш мумкин?**

Маълумки, республикамизда чуқур ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтмоқда. Шу билан бирга, собиқ Иттифоқда ўрнатилган эски иқтисодий алоқаларнинг узилиши, мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда ривожланган чет эл мамлакатлари билан шундай алоқаларни янгитдан тиклаш даврида ўзига хос қийинчиликлар содир бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай бир вазиятда аҳолининг кам таъминланган табақаларини, айниқса, уруш, меҳнат ва туғма ногиронларни, қарияларимизни, кўп болали ҳамда боқувчисиз қолган оналарни, камқон ҳомиладор аёлларни, ёш болаларни ижтимоий муҳофазалашда, соғлом авлодни баркамоллаштириш йўлида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Шу йўлда ҳурматли Президентимизнинг ва республика ҳукуматининг мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган қатор Фармонлари ва қарорлари ҳамда уларнинг ижроси кам таъминланган фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминламоқда.

— **Соғлом авлодни вояга етказишда уларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол ўсиши муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берсангиз.**

— Бу борада баъзи-бир статистик маълумотларга эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида ўн мингга яқин мактабгача тарбия муассасаларида, 2 мингта хонадонлар таркибидаги митти боғчаларда кичкинтойлар тарбия олмоқдалар. Туғиш ёшидаги аёлларнинг сони 5 миллионга яқин бўлиб, жами аҳолининг салкам 23 фоизини ташкил этади.

Мактаб ўқувчилари учун давлат савдо тизимлари томонидан 699 минг ўринга мўлжалланган 8087 та мактаб ошхонаси ва буфетлари фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда етим болалар учун 26 та болалар уйи, 4 та мактаб-интернат мавжуд. Уларда 3,2 мингта бола оила муҳитига яқин шароитларда тўлиқ давлат таъминотида тарбияланмоқдалар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 6,7 мингта фельдшер-акушерлик пунктлари, 1,7 мингта врачлик амбулаторияларн, туманлар, шаҳарлар, вилоятлардаги марказий шифохоналар, ихтисослаштирилган тиббий муассасалар ҳамда Республика илмий-текшириш марказларида 5 минг нафар акушер-гинекологлар, 12 мингга яқин педиатрлар оналар ва болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, болалар хасталиги ҳамда ўлимни камайтиришнинг комплекс дастури асосида олиб борилаётган ишлар натижасида 1993 йилнинг 10 ойи мобайнида туғиш ёшидаги аёлларнинг 3 миллион нафари ёки 60 фоизи соғломлаштирилган. Оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари эса йилдан-йилга камайиб бормоқда.

— **Сиз кўрсатиб ўтган Ўзбекистон Республикасига хос ижобий ва хайрли ишлар ҳар бир инсонни қувонтиради. Уларни эртанги кунга бўлган ишончини оширади. Аммо оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида шундай муаммолар борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Энди шулар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Президентимизнинг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг оналик ва болаликни муҳофазалашга қаратилган Фармон ва қарорлари ижроси барча ҳудудларда бир хилда деб бўлмайди. Ушбу масаланинг сабаблари бор, албатта. Шулардан бири, юқорида айтиб ўтилган давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг узилиши сабабли келиб чиққан муаммолардир. Жойлардаги айрим масъул ходимлар ўз фаолиятларида масъулиятсизлик қилаётгани, йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар эса масаланинг иккинчи жиҳатини ташкил этади.

Бу борада аҳволни зудлик билан ўнглаш даркор. Чунки айрим ўртоқларнинг айби билан баъзи вилоятлар ҳудудларида камқонли ҳомиладор аёллар, кам таъминланган ва боқувчисиз қолган оналар, 2 ёшгача бўлган болалар ҳамда мактаб ўқувчилари Республика Президенти томонидан белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдалана олмаганлар. Уларга даволаниш, дам олиш, ўқиш ва жисмоний чиниқиш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган. Зеро, бир одамнинг айби туфайли минглаб киши азият чекяпти. Масалан, Навоий вилоятида 1993 йил мобайнида мактаб ўқувчиларини бепул нонушта ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун давлат томонидан ажратилган 87 миллион сўм маблағнинг 14 миллион сўми ёки 17 фоизи ишлатилган, холос. Вилоятнинг 50—70 фоиз тиббиёт муассасаларида санитария тармоқлари ишламайди, совутгичлар етишмайди, электр жиҳозларининг кўп қисми ишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Қашқадарё вилоятидаги 23 та туғруқхона ва бўлимлари марказлаштирилган иссиқ сув билан таъминланмаган. Аёллар учун гигиеник воситалар, кўрпа-тўшак, чойшаблар, кир ювиш ва дизенфекциялаш воситалари етишмайди.

Сирдарё вилоятида 12 минг нафар камқон аёллар имтиёзли — бепул белгиланган 13 хил озиқ-овқат маҳсулотларидан фақат 5 тури билан таъминланганлар. Уни ҳам меъёридагидан анча кам миқдорда олишган. 203 минг нафар болаларнинг фақат 38 фоизигина сут маҳсулотлари билан таъминланган.

Жиззах вилояти матлубот жамиятига қарашли савдо корхоналари ҳам 1993 йилнинг 7 ойи мобайнида, камқонли ҳомиладор аёлларга бепул озиқ-овқат маҳсулотларидан 7 млн. сўмлик, 18900 нафар 2 ёшгача бўлган болаларга эса 2,5 млн. сўмлик сут ҳамда «малыш», «малютка», «кичкинтой» каби маҳсулотларни етказиб бермаганлар.

Тошкент вилоятидаги мавжуд 129 та даволаш муассасаларининг 62 фоизи мослаштирилган биноларда жойлаштирилган. 56 тасида (36,7 фоизи) ичимлик суви таъминоти етарли даражада эмас. 49 та шифохона (32 фоизи) эса марказлаштирилган иссиқ сув билан таъминланмаган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам мазкур масала юзасидан олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас. Хулоса қилиб айтганда, ҳокимиятлар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалик вазирликлари, «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» ҳайъати, «Ўзбекшартномасавдо» уюшмалари, улар тизимидаги муассасалар, уюшмалар томонидан республика Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг оналик ва болаликни муҳофазалашга қаратилган фармон ва қарорлари ижросига етарли даражада эътибор бермаганлар.

Республика Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси томонидан ушбу масалани ўрганиш даврида йўл қўйилган хато, камчиликларни бартараф этиш чора ва тадбирлари кўрилди. Текширув якунлари номлари юқорида тилга олинган вазирликлар, уюшмалар ва бошқарув органларининг масъул ходимлари иштирокида қўмитанинг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Ўйлайманки, улар янги йилда қарор ижросини таъминлаб, эл раҳматини оладилар.

Суҳбатдош
Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган вилоятида «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталарининг 75 йиллик тўйи кенг нишонланди. Байрам муносабати билан қўшни Андижон, Фарғона вилоятларидан меҳмонлар, газета ходимлари, фахрий журналистлар ва кўп сонли муштарийлар ташриф буюрдилар.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Бозоров йиғилганларни табриклаб республикамиз Президенти

НАМАНГАНДА КАТТА ТЎЙ

И. А. Каримовнинг «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» вилоят газеталари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонини ўқиб берди. Ва кўпгина қаламкашларга вилоят ҳокимияти фахрий ёрлиқларини топширди.

Шу муносабат билан бўлган йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар ҳар иккала газетанинг босиб ўтган йўли, вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ҳақида фахрланиб гапирдилар. Бундан буён ҳам ҳар иккала газета муштарийларнинг яқин маслакдоши, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда толмас курашчи бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Абдуҳошим МАДАТОВ.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ИСРОИЛДА ХАЛҚАРО АЭРОПОРТ ҚУРИЛАДИ

● **Исроил Бош вазири И. Рабин янги халқаро аэропорт қурилишн лойиҳасини тасдиқлади.**

Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, янги аэропорт мамлакат пойтахтидан 14 километр жанубий—шарқда, ҳозир фаолият кўрсатаётган Бен—Гурион номидаги халқаро аэропорт ёнида бунёд этилади. 850 миллион доллар маблағ талаб этадиган бу қурилиш икки босқичда амалга оширилади ва 1998 йилда ниҳоясига етказилади. Янги аэропорт ишга тушгач, йилига 16 миллион йўловчига хизмат кўрсатади.

ЛИВИЯ МУСУЛМОН ТАҚВИМИГА ЎТДИ

● **Ливия раҳбари Муҳаммад Каддафи мамлакат миқёсида Григориан тақвимидан мусулмон тақвимига ўтилишини маълум қилди.**

Ливия ахборот маҳкамаси бу тадбир арабларнинг қадриятларига қайтиши ифодасидир, деб баҳолади.

Кўпгина араб мамлакатлари мусулмон тақвимидан ислом дини маросимлари ва байрамларини нишонлашда фойдаланилса-да, кундалик ҳаётда Григориан тақвимига амал қилинади.

БОСНИЯ ВА ГЕРЦОГОВИНАГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

● **Босния ва Герцоговинага инсонпарварлик ёрдамининг навбатдаги 239 амалини АҚШ, Германия ва Франция ҳарбий ҳаво кучлари учувчилари амалга оширдилар.**

10 та ҳарбий юк ташувчи самолётда Босниянинг марказий районларига 61 тонна озиқ овқат ва иссиқ кийим етказиб берилди. Операцияда иштирок этган барча самолётлар Германиянинг Майн бўйидаги Франкфурт шаҳри яқинида жойлашган Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий базаси аэродромига беталофат етиб келди.

ТУРКИЯДА ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНА БОШЛАДИ

● **Туркияда чиқадиган газеталарнинг хабарига кўра, 1993 йилда Туркияда пул қадрсизланиши 71 фоизга ўсган.**

Бу мўлжалдагидан 24 фоиз кўпдир. Мутахассисларнинг фикрича, пул қадрсизланишининг асосий сабаби молиявий назоратнинг издан чиққани ва давлат бюджети камомадининг тез суръатларда ўсганлигидир.

ҚАРИЯНИНГ ОРЗУСИ

● **Австралиялик Эдит Ормерод Сидней шаҳридаги қариялар уйида ўзининг 106 ёшга тўлганини нишонлади.**

Яна икки йилдан сўнг у узоқ умр кўриш бўйича китъада рекордчи — Жанубий Австралия штатида яшаган ватандошига тенглашади. Қариянинг орзуси узоқ умр кўриш бўйича дунё биринчилигини эгаллаш, деб хабар беради Австралия ахборот маҳкамаси.

НАШАФУРУШЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

● **Вьетнамнинг Шимолий Лайтяу вилоятида бир гуруҳ гиёҳванд модда савдогарлари қўлга олинди.**

Улардан 20 килограммдан ортиқ наша ва бир килограммга яқин қорадори мусодара қилинди.

КАНАДАЛИКЛАР ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

● **Чехияда хоккей бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигининг финал ўйинида канадалик шайба усталари швециялик рақибларини 6:4 ҳисобида ютиб, чемпионлик унвонини қўлга киритди.**

Учинчи ўрин эса Финляндия жамоасини 5:4 ҳисобида ютган Россия жамоасига насиб этди.

ТЕМИР ЙЎЛ ҲАЛОКАТИ

● **Ўтган куни Угандада темир йўл ҳалокати юз берди.**

Бунинг натижасида 40 киши яраланганлиги ва 37 кишининг жасади топилганлиги эълон қилинди. Бу фожиали воқеа мамлакат пойтахти Найробидан 300 километр шимоли—шарқдаги Качумбал шаҳри ҳудудида рўй берган.

ҲАВФ ҚАМАЙДИ

● **Хитой ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари 1993 йилда Пекин—Москва темир йўлида содир этилган «халқаро характердаги жиноятлар»нинг тўртдан уч қисмини очишга муваффақ бўлди.**

«Жэньминь Гуньан Бао» газетаси берган маълумотларга кўра, жиноятчилар йўловчиларни талаш, номусига тегиш каби номаъқулчилик билан шуғулланган. Эндиликда йўловчиларнинг Пекиндан Москвага саёҳати бирмунча хавфсиз ўтмоқда.

ЖАҲОНДА ИККИНЧИ УРИНДА

● **Сут ишлаб чиқариш бўйича Ҳиндистон АҚШдан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олди.**

Эълон қилинган маълумотларга кўра, ҳар бир ҳиндистонлик кунига ўртача 186 грамм сут ичар экан.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

• ЛУҚМА

БЕЗОРИЛАР МАҲАЛЛАСИ БОРМИ?

ТРАНСПОРТ МИЛИЦИЯСИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИГА

Жамоат транспортидан фойдаланишда муайян тартиб-қоидалар бор, албатта. Улар наф бераётганига шак келтирмоқчи эмасмиз. Лекин болаларнинг шўхлиги, тўғрироғи, безорилиги қимматга тушаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Мисолми? Мисоллар бор. Бўлганда ҳам оз эмас. Буни Тошкент — Сирдарё — Ховос — Хўжакент ва қўшни Қозоғистоннинг Жилға — Дарвоза оралиғида электровозларда қатновчилар яхши билишади. Тан олиш керак, электровозлар қатнови йўлга қўйилганидан миннатдормиз. Электровозлар кўпгина ишчилар, хизматчилар, талабаларнинг қулай транспорт воситасига айланди. Вақтини тежаб, узоғини яқин қилянти. Бироқ...

Ана шу «бироқ» жонга тегди. Кўнгилни хира қилиб, йўловчилар оромини бузяпти. Давлатга моддий зарар етказяпти. Бу зарар унчамунча бўлса гаширб ўтирмасдик. Бир тахта ойнанинг нархи қанча? Агар у ноёброқ — вагон деразасига ўрнатилдиган махсус қалин ойна бўлса-чи? Уни ўрнатишга қанча маблағ сарф этилади? Буларни ҳеч мулоҳаза қилиб кўрганмисиз?

Агар мулоҳаза қилиб кўрмаган бўлсангиз, яхшилаб мулоҳаза қилиб кўринг. Бу ҳақда Сизга кўмакка тайёрмиз. Бунинг учун Дарбоза — Тошкент — Ховос оралиғида қатновчи электровозга тушасиз. Айниқса, кечки соатларда айтайлик, соат 21—22—24 ларда бир неча ўспиринг электровоз вагонларига чиқиб олади-да, истаганча номаъқулчилигини қилади. Эшикларни бузиб, истаган жойларида сакраб тушиб қолишаверади. Ташқаридан тош отиб вагон ойналарини синдирувчилар ҳам кўп.

Ҳўш, вагонларда изғиб, тартибсизлик қилувчи бу бебошвоқ болалар қайси маҳаллада яшашади? Уларни ким тийиб қўяди? Таклифимиз қуйидагича: маҳалла қўмиталари ота-оналар йиғилишларида бу ҳақда кенг тушунтириш ишлари олиб боришса. Ўрта Осиё темир йўл транспорт милицияси ўзининг бу соҳадаги муносабатига аниқлик киритиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Акс ҳолда халққа хизмат қилаётган давлат транспорти зарар кўраверади. Маблағ танқис бўлиб турган ҳозирги шароитда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқ, давлат бойлигини асрашга шу йўл билан ҳам ёрдам кўрсатишимиз лозим. Бунга бефарқ бўлмайлик, демоқчимиз.

Тўлқин АҲМЕДОВ,
Тошкент вилояти.

Тўрткўл шаҳри туманлараро моддий техника таъминотининг ёрдамчи консерва цехи маҳсулотларининг сифати яхши бўлгани учун омборларда туриб қолмаяпти. Бу ерда йилига бир миллион туб шартли банкаларда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариладн.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Р. Ибрагимова ҳамда ишчи О. Отажонова.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР

• *Қашқадарё*

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибида 1993 йил якунлари ва Республика Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала юзасидан вилоят ҳокими Темир Хидиров маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек, депутатлар анжуманида Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг 1994 йилги асосий кўрсаткичлари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сессия ишида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов иштирок этди.

Мусо КАРОМОВ.

• *Андижон*

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Булоқбоши кооператив-тайёрлов савдо бирлашмаси раиси Азимжон Камолов ташаббуси билан Чақар қишлоғида қурилиш бошланган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Зиёвиддин Улоқбоев, Одилжон Асқаров ва бошқа тадбиркорларнинг тинимсиз меҳнати туфайли 87 минг аҳоли истиқомат қилувчи Булоқбоши аҳли эндиликда ўз ҳудудларида тайёрланган тортларни сотиб олмоқдалар. Бундан ташқари цехда 10 хилдан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар тури ортгани сайин янги иш ўринлари ҳам кўпаймоқда.

Шуҳрат МУСАЕВ,

• *Навоий*

ЖУН РЎМОЛЛАР КЎПАЯДИ

Яқинда Нурота туманида яна бир янги корхонага асос солинди «Туркистон» маҳалласи оқсоқоллари ва фаолларининг ташаббуси билан жундан рўмол ва гилам тўқиш корхонаси барпо этилди.

Илгари туман матлубот жамиятининг биноси бўлган жойни ташаббускорлар кўнгилдагидек таъмирлаб корхона цехига айлантирдилар.

Эндиликда бу ерда эчки жунидан тўқилган рўмоллар, ҳар хил гиламлар ва тулли кигизлар ишлаб чиқарилаяпти. Айни пайтда 11 киши ишлаётган бўлса, ҳадемай, уларнинг сони 50 нафарга етади. Ана ўшанда ойига 2—3 мингтадан жун рўмол ва кўплаб гиламлар ишлаб чиқариладиган бўлади. Маҳсулотлар тайёрлаш учун асосий хом ашё туман хўжаликларининг ўзида етиштирилаяпти. Зеро, Нурота тумани асосан қоракўлчиликка ихтисослашган бўлиб жун ва бошқа хом ашёлар серобдир.

Музаффар ШАРОПОВ,

• *Самарқанд*

БИЗНИНГ СОВУНГА КИР ЮВМАБСИЗ...

— Совун тополмай тоза кулга кир ювган кунлар ҳам бўлди, болам, — дейди қариялардан бири.— Қаранг, ўзимиздаям шу савилни чиқарса бўларкан-ку!

Пастдарғом туманидаги «Пастдарғом» жамоа хўжалиги раҳбарлари совунга эҳтиёжи борларнинг савобини биринчи бўлиб олишди. Бу ерда совун ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Тўғри, цех ускуналари жаҳон стандарти даражасида эмас. Аммо уй бекалари беминнат совун сифатидан нолишгани йўқ. Ҳайтовур, уни ўзимизда чиқаётганини айтмайсизми! Ҳар сменада цехда 1,5-2 минг дона кир совун тайёрланмоқда.

Фармон ТОШЕВ,

• *Жиззах*

ЧИННИ ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

Жиззах пластмасса заводи жамоаси янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини яна бештага кўпайтирдилар. Яқинда корхонада чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

— Ҳозирча чойнак, пиёла. коса, лаган ва тарелка ишлаб чиқаришга киришдик,— дейди цех бошлиғи Бахтиёр Исмоилов. — Керакли хом ашёни Украинадан ва Тожикистоннинг Хўжанд вилоятидан мол айирбошлаш йўли билан олаяпмиз. Ишчиларимиз эса, Самарқанд чинни заводида ҳунар ўрганиб келишди. Шу йилнинг ўзида 542 минг дона чинни буюмлар тайёрлаб, элга тортиқ этамиз.

Бахтиёр РИЗАЕВ,

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

КАМПИРДА ҚАСДИНГ БОРМИДИ?..

Наманган вилояти Учқўрғон туманида яшовчи 90 яшар нафақахўр кампирни номаълум шахс бир эмас, бир неча жойига пичоқ уриб ўлдириб кетган эди. Ички ишлар ходимлари томонидан тезкор кўрилган тадбирлар натижасида марҳума З. Тожиевнинг қотили бир зумда аниқланди. Қизиғи шундаки, қотил Уйчи туманида яшовчи Татьяна Гончаренко экан. Татьяна «хола»нинг кампирда қасди бор, йўқлиги ёхуд бошқа сабабларни аниқлаш бўйича тергов ишлари давом этмоқда.

РЎЙХАТДА ЙЎҚ ҚЎШОҒИЗ МИЛТИҚ

Сирдарё туманидаги «Малик» давлат хўжалигида яшовчи Р. Чилтоновнинг уйидан ИИБда рўйхатда бўлмаган қўшоғиз, устига устак, қирқма милтиқ 6 дона ўқи билан топилгач, бу матоҳ эгасининг нияти шубҳа уйғотди. Шу боис, унинг устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Андижон шаҳридаги шиша ва кулолчилик фабрикаси ишчиси А. Йўлдошев марҳум отасидан қолган «Запорожец» автомашинасини ўз номига расмийлаштириш учун ҳам пора талаб қилишларини сира кутмаганди. Ахир,

ОТА МЕРОС МАШИНА МАШМАШАСИ

отасидан қолган машина-я, бировдан сотиб олганда ҳам бошқа гап эди. Бироқ вилоят таъминот бўлими нозири бу билан сира қизиқиб ўтирмади. Бетини без қилиб, 50 минг сўм пора сўради. А. Бектошевнинг бу қилиғи «Ота моли—тенг шерик» қабилида иш тутаётган «фарзанд» талабига ўхшаб кетди... У шунча пулни ўз ишхонасида олаётган маҳалда иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Терговни ички ишлар бошқармаси ходимлари олиб боришмоқда.

НАФСИ ЎПҚОНЛАР

Андижон вилояти Хўжаобод тумани трикотаж фабрикаси кассири З. Казаков ва шу корхонанинг ҳисобчилари А. Собиров ҳамда Ш. Абдужалиловалар гапни бир жойга қўйиб, фабриканинг 1 миллион сўмдан ортиқ пулини ўзлаштириб олишдилару, аммо... Хуллас, ушбу ҳолат бўйича текширув ишлари давом этмоқда.

БАЛИҚ БАҲОНА

Фарғона шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспектори Г. Турдиев фуқаро Аҳмадалиевни ноқонуний равишда балиқ тутаётган маҳалда қўлга туширди. Бироқ у тўр билан балиқ овлаётган кишининг ўз тўрига тушиб қолганидан севиниб кетди, шекилли, ўзи тутган «балиқ»нинг тилга тушунишини инобатга олиб, ундан 200 минг сўм пора олаётганда ўзи ташлаган тўрга ўзи тушиб қолди. Ҳозирча суриштирув ишлари давом этмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази инспектори.

• ТУТАШ ТОМИРЛАР •

«БИЛМАГАНЛАР БИЛСИН БИЗНИ...»



24/11/1993

Arkadaşım ve özbek
Kardeşim Sayın
Azim Suyun Beye
en içten dileklerle
Otkay

Мен у билан тунги Лондон кўчаларини сайр этардим. Миллион-миллион чироқлар кўзни қамаштирарди. Реклам ёритгичлари ғаройиб кўғирчоқлардек бамисоли рақсга тушиб порларди. Қайси йўлдан ёки йўлакдан кезманг, икки тарафдаги улкан бинолар ичкарига чорларди: ажойибот харид моллари ғуж-ғуж магазинлар, ёш-яланглар тўла барлар, ресторанлар, афишаларида турфа хил оламни акс эттириб тургувчи театрлар... Гарчи мен уларни нигоҳларим ила зимдан кузатиб кетаётган бўлсам-да, аммо у буларга мутлақо бепарво эди. Назаримда, ёнгинамда инглиз романларидаги ёхуд фильмларидаги... дунё юмушларига қўл силтаган қаҳрамон кетарди. Биз узоқ айландик.

— Ҳоримадингми, Азимбей, — деди у бир пайт оҳиста, — истасанг таксида сайр этамиз. Мен розилик билдирдим.

— Усмонбой оға, инглизнинг таксиси қадим файтунларини эслатаркан...

— Нафақат эслатади, айни,— деди у. Ва шундай улкан мамлакат эгалари қадимий анъаналарга ўта содиқлигини муҳаббат ила сўзлай кетди. Унинг бу борадаги сўнгги сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди: «Буюк Британиядаги инглизлар қанчалик тараққиётга эришмасин, бироқ ота-боболарининг урф-одатларини қаттиқ ушлаган. Бутун дунё халқларига бу буюк давлат ўз анъаналарига ружу қўйиши билан ҳам намуна бўлиб келмоқда...».

Менинг ҳамроҳим Жаҳон адабиёти ва маданияти оламида машҳур, асли қибрислик, турк, аммо Англия фуқароси УСМОН ТУРКОЙ эди.

* * *

БИЗНИНГ ўзбек матбуотимиз негадир ҚИБРИСни КИПР деб ёзади. Ҳолбуки, бу оролнинг аҳолиси — румликлар «Қубрус» деб, турклар эса «Қибрис» деб атайдилар. Кипр қаердан чиқди? Бу номаълум. Бадиий адабиётда, жумладан, Ғафур Ғулом таржимасидаги «Отелло» фожиасида Қибрис атамаси тўғри ишлатилган.

Оврупо билан Африка оралиғидаги денгизни эса жўғрофия дарсликларида ва матбуотда ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ деб ёзамиз. Руслар бу денгизни «СРЕДИЗЕМНОЕ МОРЕ» деб аташади. БУ «Қитъалар оралиғидаги денгиз» деганидир. Биз бу атаманинг мазмунига яхши эътибор бермасдан, уни сўзма-сўз таржима қилиб «ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ» деб олганмиз. БУ — қандай мантиқсиз ва маъносиз эканлигига аҳамият ҳам бермаганмиз. Туркlар ва Ўрта Шарқдаги бошқа юртларда у «Оқ денгиз» дейилади.

Жўғрофия дарсликларига биз ҳам «ҚИБРИС» ва «ОҚДЕНГИЗ» атамаларини киритишимиз лозим. Россия шимолидаги Оқ денгизни эса «ШИМОЛИЙ ОҚ ДЕНГИЗ» деб қабул қилишимиз мумкин.

Хуллас, Қибрис, Оқденгизнинг шарқ томонида, Туркиянинг жанубида жойлашган жуда гўзал ва стратегик жиҳатдан ғоят муҳим ороллардан бири бўлиб, ҳудуди 9251 квадрат километр. Ғарбдан шарққача узунлиги 225 километр, Шимолдан Жанубгача кенглиги 93 километрдир.

Қўшнилари: Туркия — 71 километр, Сурия — 98 километр, Миср—384 километр масофада. Юнонистон эса 900 километр узоқдадир.

Қибрис аҳолисининг миллий таркиби жуда қоришиқ, у ерда миллатлар кўп. Аммо энг кўпчилиги румлар ва туркlардир. Румлар қадимги румоликларнинг қолдиқлари бўлиб, улар юнонлардан (яъни бизнингча, грекlардан) бирмунча фарқланишади. Аммо тиллари кескин фарқли эмас, бир-бирларини англашади. Румлар Қибрис аҳолисининг учдан икки қисмини, туркlар учдан бир қисмини ташкил этади.

Бу икки ёндош халқнинг ҳамдўстлигига асосланиб, 1960 йилда ҚИБРИС ЖУМҲУРИЯТИ тузилган эди. Жумҳуриятнинг тинчлигини уч давлат — Англия, Туркия ва Юнонистон (Греция) кафолатга олганди.

Қибрис жумҳурияти тинч-тотув яшаб турганда, Юнонистонда миллатчилик ҳаракати бошланиб ЭОКА деган қуролланган ҳарбий юнон офицерлари сездирмасдан Қибрисга кела бошладилар ва Қибрисни бутунлай юнонлаштириш пайига тушдилар. Бунинг учун махфий равишда румликлар қуроллантирилди. Аста-секин туркларни қириқ ва уй-жойларидан ҳайдаб, эгаллаб олиш авжига чиқди. Шу тариқа оролда икки жамоа ўртасида ихтилоф вужудга келди. Юзлаб турк қишлоқлари яксон қилинди. Қатлиомлар тўхтамади. Ўн минглаб туркlар Туркияга қочиб ўта бошлади. Туркия ҳукумати кафолатчи давлатларнинг бири сифатида Қибрис туркlари ҳам ўз Қуролли Кучларига эга бўлиши керак, деган қарорга келди. Юнонистон румликларни қандай қуроллантирган бўлса, Туркия ҳам туркларнинг шундай қуролланишига ёрдам бера бошлади. Оқибат шу бўлдики, 1974 йилда Қибрис иккига бўлинди. Қибриснинг учдан бир қисмини ташкил этувчи шимолий минтақасида ШИМОЛИЙ ҚИБРИС ТУРК ЖУМҲУРИЯТИ тузилди. БМТ бу актни маъқулламади. Аммо ШИМОЛИЙ ҚИБРИС ТУРК ЖУМҲУРИЯТИ билан Жанубий Қибрис ҳукумати ўртасида тинчлик битими имзолаш учун ҳаракат ҳозир ҳам давом этмоқда. Туркларнинг Президенти Рауф Денктош билан румларнинг Президенти Василиу АҚШ орачилигида бир неча марта учрашдилар. Аммо ҳозирча бундан бирон катта ижобий натижа чиққани йўқ. Бу эса иккала томонни —, туркларни ҳам, румларни ҳам безовта қилиб келмоқда.

Ана шу Қибриснинг Узоқ қишлоғида туғилиб ўсган Усмон Туркой шахси ҳақида, унинг дардчил фалсафий шеърияти, ўнлаб адабий-маърифий мақолалари, изтиробли драмалари хусусида ,амалий-ҳаётий фаолияти тўғрисида собиқ «совет халқи» ҳеч нарса билмайди. Ростдан ҳам, биз кўп нарсани билмасдик. Биздан асл ҳақиқатни, асл моҳиятни сир тутиб келишарди.

Камина Усмон Туркой билан 1992 йилда Туркиянинг яшил Бурса шаҳрида бўлиб ўтган Бутундунё туркий халқларининг шеърият анжуманида танишган эдим.

1927 йилнинг 16 февралида таваллуд топган Усмон Туркой Гирна шаҳрида инглиз олий мактабига кириб ўқиди. Сўнг Англияда (ҳозирги замон тиллари мактаби»нинг газетачилик (журналистика) бўлимида таҳсил кўрди. Лондон университетининг фалсафа факультетини тугатди.

Усмон Туркойнинг бугунга қадар инглиз ҳамда турк тилларида 14 та китоби нашр этилган. Шеърлари француз, итальян, швед, чех, Бразилияда португал, Аргентинада испан, Хитой Халқ Республикаси, Гонконг ва Тайванда Хитой, Ҳиндистонда ҳинд тилларида, Таиландда тан тилида, Қувайтда, Катар ҳамда Мисрда ва тағин бир қанча элларда бир қанча тилларда босилиб чиқди.

1988, 1990—йилларда Қитъалараро шеърият уюшмаси томонидан Нобель мукофотига номзод этиб кўрсатилди ва Чад давлатининг маданият ва санъат бирлиги ҳамда кўпгина адабиёт профессорлари томонидан қўллаб қувватланди. Усмон Туркой йигирмага яқин халқаро шеърият мукофотининг соҳиби бўлган. Улар орасида Альберт Эйнштейн академияси таъсис этган «Эйнштейн» Италия халқаро поэзияси мукофотлари бор. Туркча китоблари эса Истанбулдаги илғор зиёлилар томонидан қўплаб нашр этилган. Ҳозир Усмон Туркой Лондонда туркча ва инглизча иккита журнал чоп эттиряпти. Шунингдек, у Ҳиндистонда чиқадиган ойлик журнал — «Поэт»нинг шарқ бўлими бўйича ҳамда «Интернейшел поэтс» журналида Европа бўлимида муҳаррирлик қилади.

Усмон Туркой АҚШдаги Сан— Франциско шаҳрида жойлашган Бутундунё санъат ва маданият академиясининг халқаро бошқарма қўмитасининг раиси ҳамдир. У жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган санъат, маданият, адабиёт кунларида, конференция ва съездларида қатнашиб, адабиёт ва санъат, маданиятнинг толмас фидойиси сифатида танилган...

...Усмон Туркой билан суҳбатимиз «Ҳайдер-парк» яқинида жойлашган «Континентал» ресторанида давом этди. Мен унга ўзбек давлатчилик тарихини муфассал баён этишга ҳаракат қилдим. Буюк алломаларимиз, саркардаларимиз ва Ўзбекистоннинг бугуни, келажаги ҳақида сўзладим. Айниқса, адабиёт мавзуларидаги суҳбатимиз қизигандан қизиди. Рости, Усмон оға бугунги ўзбек адабиёти ҳақида, умуман олганда Марказий Осиё халқлари адабиёти ҳақида хира тасаввурга эга. «Мен кириллча билмайман, шунинг учун ҳабарсизман, —дейди у ўзини оқламоқчи бўлгандай, — лекин Чингиз Айтматовни унча-мунча биламан». Ҳа, шунинг учун мен суҳбатдошимга бугунги ўзбек адабиёти, унинг фидойилари ҳақида имкон қадар ҳикоя қилиб бердим.



Балки қондошимиз Усмон Туркой учун 1994 йил кўп ҳайрли ниятлар, омадлар йили бўлиб келса ажабмас. Агар ҳудо насиб қилса, у туркий халқлар орасида биринчи бўлиб Нобель мукофоти соҳиби деб эълон қилинар...

Бугун у ҳақда хаёлан ўйлаяпману, негадир эсимга туркнинг буюк шоири Юнус Эмрининг,

Билмаганлар билсин бизни,
Билганлара салом ўлсун...

деган оташнафас сатрлари келаверди. Шунда бир ҳақиқатга ишондим: Дунё бизларни тан олди. Бемалол бордик-келдилар қиляпмиз. Туркий халқларнинг ҳам катта тарих саҳнасида ўз ўрни борлиги эътироф этиляпти. Энди ҳеч бир ҳадик-хавотирсиз кўнглимизни очиб «Билмаганлар билсин бизни» дея ҳайқирсак арзийди.

* * *

Суҳбатимиз ниҳоясида у менга ўз суратлари ва китобларидан бир нечтасини тақдим қилди. Усмон Туркой шеърларини таржимага бердик. Қуйида ана шу шеърлардан бир туркумини эълон қиляпмиз.

Азим СУЮН.

Усмон ТУРКОЙ

БИСМИЛЛО

Бу кеча тушимга кирди
Ҳар тонгда туғадиган қуёш,
Бу кеча қуёшдан узилди ўзга дунё,
Бу кеча фазога учирилди илк сунъий йўлдош —
Жимитгина бир ой.
Бу кеча оламда айрича тезлик, ғиз-ғиз бор.
Тупроқда фазо, фазода оташ, оташда юлдуз бор.
Бу кеча дунёмизнинг орбитасида
Йўлдошлар сайёр.
Бу кеча жаранглаб бисмилло ила урди соат,
Бу кеча бисмилло ила чақирди қалам:
Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила
Ётоқдан турдим хотиржам.

На шуҳрат, на шараф, на шон...
Бисмилло, бисмилло... шишди бош чаноғим.
На булут, на уфқ, на юлдуз...
Бисмилло, бисмилло... узайди шом чоғим.
На томир, на мушак, на суяк, на қон...
Бисмилло, бисмилло... чўзилди билакларим,
Оғзим, кўзларим, қулоқларим,
Олувчи ва берувчи аъзоларим.
Бисмилло, бисмилло эгасиз
Ёлғиз ёлғиз.
Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила
Чўзилганча Сомон Йўлида ётардим.
Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила
Фазоликларга мисралар сотардим,
Сизларни тушунтирар, англатардим.
Меҳрибон, раҳмли Тангри номи ила
Қуёшдан ерликларга сўз қотардим
Ва юлдузларни ғужум-ғужум узум кабн узиб
Лўттивозлар бошига пизиллатиб отардим.

ШОИР БОЛАНИНГ ТОНГГИ ДУОСИ

Тангрим,
нима бўпти ҳар куни шундай
Кўк юзи беғубор,
Ҳаво ниссиқ бўлсин.
Бешбармоқ тоғининг нарёқларидан
Қуёш бизга қараб онамдай кулсин.
Покиза севинчлар-ла дудоқларимиз
Ўпсин кирга чўмган титроқ чечакларни.
Жун йигирсин момолар,
Эмизсин бир тўп нур болаларни оналар.
Қалдирғочлар тебратсин бешикларни.
Тангрим,

нима бўпти ақл чироғимиз
Ёруғ бўлсин, йўлда итни тошламасин.
Сувдай ёд бўлсин-у ҳар сабоғимиз,
Муаллим бир куя ҳам
Дарсни таққирдан бошламасин.
Тангрим,

Нима бўпти бир умр бўйи
Ўтли қўшиқлар айтсин чўпонларимиз.
Унутилсин дала-дала унган фиғонларимиз.
Бирга-бирга ер тепсин, сакраб улоқларимиз,
Тангрим,

Нима бўпти ёруғ нурларинг
Бизни йирик гуллар кўнглига ёр айласин.
Тоғдан тоққа соврилсин капалак тўзаларимиз.
Катта товуқлар очсин қопқамизни.
Каккули соатдай вақтида сайрасин
Уйқу телбаси хўрозларимиз.
Ғу-ғу дея ғуғуласин кабутарлар,
Учиб юрсин учоқларда ниначилар,
Гўзал қўшиқлар айтсин заҳизғон
Ва бизни қўрқитмасин
Туннелдан чиқиб поезд чиққандай
Уясидан қаршимизга даъватсиз чиққан
Сарсари қора илон.

ОҚ ДЕНГИЗНИНГ МОВИЙ ИНЖУСИ ҚИБРИС

I

Оқ денгизнинг мовий инжуси Қибрис!
Туғилганим, илк қуёш нурларини кўрганим,
Шеърдан, тинчликдан, вазминликдан
нафас олганим ўлка!
Ҳозир сени ўттиз беш минг
қадам юксакликда
Ҳиндистондан Лондонга учаркан
Учоқнинг дарчасидан кузатмоқдаман.
Топинганча жамолингни
ютмоқдаман юрагимга,
Соғинч билан ҳижрон доғини
ютум-ютум ичмоқдаман.
Кўкларнинг мовий рангида
Тутамоқда олов-олов фикрларим,
Қучоқлаб тушларимда сени,
ўпарканман тупроғингни
Севги, эҳтиром тўла туйғулар ила,
Кўраяпман: яраларинг ҳануз тузалмаган...
Ёлвораман ич-ичимдан бекитиқча,
Ёлвораман яна бир бора:
Ўйланмаган, шошилинч эҳтиросларга
Бериб қўйма ўзингни,
Бағрингда қонга
ва кинга жой берма...
Руҳимнинг тераниидан
ўтиниб сўрайман:
«Эй, борлиғимнинг муқаддас тупроғи,
ўлкам маним!
Сўз бер шундай сокин,
осойишта қолишга
Ва сўнгсиз тинчлигу
ором юртга бўлишга!»

II

Товушларнинг, рангларнинг
ва чексиз зулматларнинг —
Коинотда ҳар нарсанинг
ўз тили бор —
Уларни маънога
айлантира оласиз.
Чунончи, менга,
яқинлашган куноторар
Ва миллион бор
жилваланган шуъла
Мусиқа тили билан сўзлайди
Ва тушларим ложувард
оққушларга айланар,
Учишда ўтаётган
вақтнинг бир тилимида
Мени тебратган бешик ичида
Ҳамон ўша гўдак,
сенинг парчанг эдим,
Сенинг ўз ўғлинг: гоҳ йиғлардим,
Гоҳ жилмаярдим
шеърий бир нафислик-ла...
Бугун, шу онда,
сендан жуда юксакларда
Қибрисим, ўлкам маним!
Инсон қўли тегмаган
Миллионларча тонна қордай
оқ пахтани эслатувчи булутлар
Сенинг сирларингни маънога айлантириб
Бош-кети йўқ ушбу паллада
Синиқ, узуи қалбимга қуймоқда...
Бу қалбда айрилиқнинг
ўчмас доғлари
Изоларим билан қўшилиб
Есуман сўриларининг,
лимон ва пўртахол гулларининг,
Эски шароб тулумларининг
ичидаги дунёнинг
Ва сарин найсон елларида
Кумуш рангли денгизлардай
Долғаланган, гул очган
зайтун дарахтларининг
Мусиқасини акс эттирмоқда
ўтаётган онлар аро...
Энди соғинчларим
уммонига тик чўмаман
Барча эски ва янги тушларим билан...
Ва шу онда ҳар вақтдагидан
ҳам яқинлигимни
Ҳис этаман бутун коинотда.

III

Эвоҳ, бирдан ўзимни ва
тушларимни эзилгандай кўрдим:
Умидсизликнинг мустоғлари орасида
Севгим чормихида,
овозим бўғилганди...
Чунки ҳақиқат дунёси билан
тушлар дунёси
Шу қадар бошқа-бошқа,
шу қадар чатишиқки,
Дод дегим келади ва қалтирайман,
У ён — бу ён тўлғонаман оромкурсимда...
Ғарбга қараб учаётган учоқ ичида
Сен, гўзал ва нафис
кўксингни нақшлаган
Зайтун дарахтларинг, боғларинг,
ўртахол боғчаларинг билан
Тинч-сокин уйқуга ётар экансан,
Сирли ҳасратларим, алам тўла,
маъюс ва ҳазин
Мусиқага айланмоқда йўлимда
шаҳид бўлганлар учун,
Йилт-йилт ёнган руҳлар учмоқда
Йўлида жон берганлари
тупроқлар узра...
Ҳиллолимиздилар, хочлимидилар?..
Ўлимнинг дини йўқ.
Нечук миллати бўлсин!
Ўлим моддий оламда
шундай бир ҳодисаки,
Одамзотни бир-бирига қўшиб юборар.
Мана, қара, бир замонлар
инсон бўлганлар
Ер билан кўк орасида
бир макон топиб

Йилт-йилт ёниб
уни қандай ёритмоқдалар.

IV

Титроқ қалб-ла мен
кузатган манзара энди
Юлдузлар ва руҳлар
ҳоким бир маскан эди.
Гўё ҳамма эшиклари очилиб кўкнинг,
Ҳамма тўсиқлари йиқилган эди.
Бир замслар булар бари
ўз инсонимиз —
Бир тупроқнинг фарзандлари
— қиз-ўғлонимиз
Энди ушбу чексиз зулматлар аро
Ўхшайдилар юлдузларнинг
тўдаларига:
Мана, бири учаётир
ост-уст вазисиз,
Бири эса оқаётир
думли юлдуздай
Ва узоқда шаҳид бўлган
гўдак руҳлари —
Ўтда куйган парвоналар
ила ўйнашар,
Сассиз, қутли ўт рақсига
тўла муҳитда...
Эй, Қибрисим, она юртим,
сенга учоқнинг
Дарчасидан: «Хуш қол!»
дея қўл силкитаман.
Уруш кўндан битган,
Урушлар ўлдирар ва ўлар.
Фақат инсонийлик абадий холос.
Жаннат бор-йўғи бир рамздир.
Шарқ ҳорияи бир руҳ ҳолатида.
Инсон ўзидан кечишни идрок қилса,
Уни фақат тинчлик, ёлғиз тинчлик ва меҳр
Ер юзига индиражакдир.

ТЎРТ ЙЎЛ ОҒЗИДА УЙҒОНИШ

Дедим: Сен айтган
тонг ўлкасими шу?
Уфқлар чароғон, ер юзи умид,
кўклар беғубор?
Қай тилда сўйлар бу соҳилларда
кечалари юлдузларга сув?

Деди: Бу чин инсонлар,
бу ҳақиқий диёр!
Кўрарсан улар нурли
йўллардан келишларини!
Оёқлари нафармон тупроқ,
қўллари энди кирган баҳор!

Бир овоз янгради
чақмоқ чақиб бўшлиқда
Шаҳар нурларига қоришди,
Юрардим вазмин одимлар ила
Кўклам ва уруш кемалари
оқара бошлаган уфқда.

Тўрт йўл оғзида тўхтадим:
бошқачадир бу кун бу дунё,
Бир кардиограмма, илм даври
ва механик шовқинлар ила
Бир кўчки бўлиб тушди
устимга Америка, Оврупо, Осиё.

Тўрт йўл оғзида тўхтадим:
компьютерлар ишга тушди бир бошдан.
Нил соҳилида бир буғдой бошоғи,
Оқденгизда уруш кемалари.

Лабларимда бир қўшиқ:
«Финжонни ўярлар тошдан...»

Тўрт йўл оғзида тўхтадим:
одамлар югурарди ўнгга, сўлга
Рангпар юзларида ваҳм,
юракларида қўрқув.
Кентлар эмас, қитъалар тушганди
мубҳам, серташвиш бир йўлга.

Дедим: Шулар бўлса керак
пўлат эритган эллар,
Бири тупроқ портлатиб юксалган қоя,
бири ойдан сакраган сиймо...
Ва инқилоб бир қара:
қуриган лаблари қандай кулар...

Деди: Тайёр бир ёқилғи.
Бироқ уларда ҳам суяк, тери, қон...
Ишлашар тарих оқими ичра
— билмасдан бу қандай макон.
Чунки уларни оқизган сув
қандай ирмоқлиги ноаён...
Овоз янгради яна бир бор:
сесканиб қўзғалдим жойимдан.
Уруш кемалари ўтар эди
очиқ денгизларимдан.

Шеърларни Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига Миразиз Аъзам уйғунлаштирди.

«ХАЛҚ ДАРДИНИ ЖОЙЛАДИМ ДИЛГА»

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло лирик, новикбин достоннавис, моҳир драматург, сержавқ насрнавис сифатида ҳозирги ўзбек адабиёти равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган адибдир. У мўъжаз шеърларида замондошларимизнинг ранг-баранг руҳий кечинмаларини ўзига хос соз овоз билан нафис тасвирлаб, ошиқлар қалб торини чертиб келаётган бўлса, «Икки қоя», «Россия», «Тошкент 26. Тонготар», «Юлдузлар» сингари достонларида халқимизнинг яратувчилик қудрати, жаҳоний меҳнатини, юксак инсонпарварлик билан йўғрилган, умумбашарий моҳиятдаги халқлар дўстлигини кўтаринки руҳда тасвирлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги ўзбек насри инкишофида ҳам Шукруллонинг айрича ўрни бор. Зероки, унинг мақолалари, «Жавоҳирот сандиғи», «Кафансиз кўмилганлар» асарлари мазмуни, қурилиши, ғоявий йўналишию тасвир усуллари жиҳатидан мутлақо ўзига хосдир. «Жавоҳирот сандиғи» китоби минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган қадимий ўзбек насри анъаналари таъсирида битилган, мароқ билан ўқиладиган асардир. Биз унда кўҳна саргузашт романларимиз, қиссаю ривоятларимизга хос қисса ичида қиссаларни, нақлу ривоятларни, ҳикояту тамсилларни учратамиз. Бадиий тасвир қобиғидаги мумтоз адабиётимиздан, халқ оғзаки ижодию замондошлардан келтирилган «муқаддима», «лирик чекиниш», «хотима» характеридаги шеърлар ҳикоят ва нақлларнинг адабий—эстетик қудратини, маърифий қимматини оширади. Бундан ташқари «Жавоҳирот сандиғи»ни мутолаа қилган китобхон адабий жараённинг жўшқин жабҳаларида юради: адабиётимизнинг забардаст вакиллари сиймоларининг айрим қирраларини, ҳамкасбларига муносабатларини билиб олади.

«Кафансиз кўмилганлар» асари шоир Шукрулло ижодидагина эмас, балки умуман, ўзбек адабиётида ўзига хос бир воқеа бўлди. Бу асар дастлаб «Ёшлик» ойномасида, сўнгра — 1991 йилда «Меҳнат» нашриёти томонидан алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Кейинги икки—уч йил ичида асар бир неча хорижий тилларга таржима қилиниб, нашр этилди, яқинда Туркияда ҳам усмонли турк тилида оммавий нусхада босилди. Асарни кенг илм—адаб аҳли илиқ кутиб олди.

Хўш, бунинг боиси нимада?

«Кафансиз кўмилганлар»нинг бу қадар эл—юртга манзур бўлишининг сабаблари кўп. Шу важлардан бири шундаки, китоб бениҳоя самимий, рўйрост, қалб дарди, изтироби билан ёзилган. Ёзувчи ўз бошидан ўтказган, кўзи билан кўрган, билган ва эшитган даҳшатли воқеаларни қаламга олган, кўплаб айбсиз—айбдор, жафокаш мазлумларнинг аччиқ-чучук тақдирини, ўзи ва оиласи қисмати билан ҳамоҳанг қилиб акс эттирган.

Тоталитаризм тузуми ва коммафкура ўзбек халқи, ўзбек адабиёти зиёлилари бошига озмунча кулфат келтирмади. Агар 30-йилларда Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошим, Усмон Носир, Элбек, Боту каби ёзувчиларимиз, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев сингари довюрак давлат арбобларимиз қатағончилик қурбонлари бўлган бўлсалар, 50-йилларда Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шуҳрат, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон, Тўхтасин Жалолов, ака-ука Алимуҳамедовлар... ноҳақ зулм чекканлар. «Кафансиз кўмилганлар» асарида қатағон қурбонлари ва жабрдийдаларининг оҳу-дардларию беҳад изтиробларию уфурбу туради.

Шукрулло Юсупов — «Кафансиз кўмилганлар» асарининг бош қаҳрамони. Асар нашриёт ходими, шоир Шукруллонинг КГБ ходимлари томонидан қамоққа олиниши тасвири билан бошланади. Шоир ўн беш ой давомида тергов беради: миллатчиликда айблашади, аммо асос топилмайди, совет давлатига қаршиликда айблашади, аммо исботлаша олмайди, ниҳоят, халқ душманига чиқаришади — буни ҳам исботлай олмайдилар. Муаллиф терговчи Суҳанов, капитан Конюхов, полковник Козеров каби КГБ жаллодлари қўллаган сўроқ усулларининг ваҳшиёналигини, уларнинг зўр бериб сувдан ҳалво ясовчи уринишларини очиб ташлайди — барибир, айбсиз-айбдор Юсупов «Халқ душмани» деб эълон қилинади — Сибирга сургун бўлади... Қисқаси, бош қаҳрамон сиймосида инсон иродаси, сабр—бардоши нималарга қодир эканлиги ўз ифодасини топган.

Асарда муаллиф оиласи бошига тушган қора кунларни бирма-бир қаламга олади. Маълум бўлишича, Шукруллонинг қайнотаси ноҳақ қулоқ қилиниб, оиласи билан Украинага сургун қилинган экан...

Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф ўз тақдирини, оиласи қисматини қатағон даври жабрдийдалари — айбсиз-айбдорлари ҳаёти, уларнинг дард—ҳасратлари, фожиаси билан узвий боғлайди. Биз китоб саҳифаларида ноғирон ва ғиёҳванд (етмиш бешёшли) Илёс ота, собиқ коммунист Насриддин Хўжаев, Раим, Тожихон Шодиева, ногирон рус йигити Иван, немис Лоран, серсоқол яҳудий домласи, юрист Убайдулла сингари қўплаб айбсиз айбдорлар фожиасига гувоҳ бўламиз.

Асардан келиб чиқадиган хулоса шоирнинг қуйидаги мисраларида ўз ифодасини топгандай:

Вужудимни тилиб
тилка-тилка
Айла, виждонимни
сотмайман,
Халқ дардини жойладим
дилга,
Ўлдир, ўлимдан ҳам
қайтмайман.

Ҳа, Шукрулло ака ҳақ гапни айтган. Инсон иродаси, сабр—бардоши шу қадар қудратли! У катта-катта қурбонлар бериш эвазига бўлса-да, охир-оқибатда ғолиб бўлиб чиқди.

Бу кунларга осонликча эришмадик. Лоақал, Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» мемуар асарини ўқиган ҳар бир киши бунга тушунади: истиқлолнинг қадрига етади, унга ўз улушини қўшади...

«Кафансиз кўмилганлар» асарининг эстетик—тарбиявий аҳамияти ҳам ана шунда!

Яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таниқли шоир ва адиб, жамоат арбоби Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» асарига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда институт ректори, профессор К. Юсупов, ўзбек классик адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Ҳомидов, ҳозирги замон ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Т. Бобоев, умумий тилшунослик кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди С. Султонсаидова, ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг IV курс талабаси Б. Уллибобоевлар шу хусусда сўзладилар. Анжуманда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Ёзувчилар уюшмасининг котиби, шоир ва драматург Тўра Мирзолар иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар. Нотиқлар бир овоздан «Кафансиз кўмилганлар» асарининг Навоий номидаги Республика Давлат мукофотига тавсия этилганлигини қўллаб-қувватладилар.

Қаландар САФАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

• *Соғлом авлод учун*

ОНАСИ БАРЧИН, БОЛАСИ ЛОЧИН

Кейинги вақтларда ҳомиладор аёлнинг ой-куни яқинлашган сари унда мавжуд бўлган сурункали хасталиклар авж олиши оқибатида мажруҳ болалар туғилиши кузатилмоқда. Ҳомиладорликнинг охирги ойларида бўлажак она саломатлиги кескин ёмонлашиб, туғиш жараёнида эса она ва болада да ноҳуш оқибатлар содир бўлаётир.

Ваҳолонки, ҳомиладор аёллар доимо эътиборда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар бир туман шифохоналарида сурункали касаллиги бор ҳомиладорларни даволаш учун бўлимлар очилган бўлиб, уларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Худди шундай касалликлар ташхисини тўғри қўйиш ва уларни даволаш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошида малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикамиз вилоят ва туманларида олиб борилган текширишлар ва диспансер назоратидан ўтказиш натижаларига кўра темир моддаси танқислиги натижасида камқонлик, буйрак касалликларидан сурункали пиелонефрит ва гломерулонефрит, жигар хасталикларидан сурункали гепатит келиб чиқиши аниқланди.

Камқонлик ҳомиладор аёллар ўртасида кўп учрайди. Агар фарзанд кўриш ўртасидаги давр қисқа бўлса, камқонлик ривожланиши хавфи кейинги ҳомиладорлик вақтида ортади. Камқонлик қишлоқларда яшовчи кўп болали аёллар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, бу хасталикка чалинган ҳомиладор аёллар умумий беҳолик, иш қобилиятининг пасайиши, бош айланиши, қулоқда шовқин эшитилиши, юракнинг тез уриши, нафас қисишидан шикоят қиладилар. Кўздан кечирилганда бемор тери қопламалари рангпар, қуруқ, тирноқларининг мўртлиги кузатилади. Ҳомиладорнинг қони текшириб кўрилганда, унда қизил қон таначалари камайиб, гемоглобин миқдори пасайиб, уларнинг сифати ёмонлашар экан. Бундай аёллар гипотрофияга учраган заиф, нимжон фарзанд кўрадилар, туғуруқ шикастлари ҳам оғирроқ ўтади.

Ўзбекистонда ҳомиладор аёллар ўртасида кенг тарқалган касалликлардан яна бири сурункали гепатитдир. Бу хасталикка учраган ҳомиладор аёлда рангпарлик, шиллиқ қаватларнинг сарғайиши, озиб кетиш, жигарининг қатталашиши кузатилади. Жигарнинг зарарсизлантириш хоссаси йўқолади, натижада ҳомиладор аъзои баданида тўпланиб қолган зарарли моддалар йўлдош орқали бола организмига таъсир кўрсатади. Бола вужудига тушган зарарли моддалар аввало, иммун системага ва ирсий аппаратга таъсир этади. Натижада туғма нуқсонли болалар туғилади.

Текшириш ва диспансер назорати Ўзбекистонда туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар ўртасида буйрак касалликлари ҳам кенг тарқалганлигини аниқлади. Сурункали пиелонефрит хасталигига чалинган ҳомиладор аёлни бош оғриши, тез чарчаши, тана ҳароратининг 37,5 даражага кўтарилиши, турли оғриқ безовта қилади. Бу хасталик совуқ кунлари енгил-елпи кийиниб юриш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик натижасида ривожланади. Сурункали гломерулонефритга чалинган аёллар бош айланиши, эрталаблари кўз, қулоқлари атрофида шиш бўлишидан шикоят қиладилар. Уларнинг қон босими кўп ҳолларда баланд бўлади. Бу хасталикларга чалинган ҳомиладорларда кечки токсикозлар оғир ўтиши, эклампсия — талвасалар, тутқаноқ ҳуружлари кузатилади. Бундай ёмон оқибатларнинг олдини олиш учун ўзида бирор паталогик ўзгариш сезган аёл зудлик билан терапевт ва гинекологга мурожаат қилиши лозим. Шуни унутмаслик керакки, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади.

Ўткир ШАРОПОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

• *Сиз севган санъаткор*

САБО ҚАНОТИДА ЭЛЛАР САДОСИ

Донранинг сеҳрли оҳанги дам авжга минар, дам пасаярди: раққоса ҳам завқ билан ҳиром этмоқда. Иқтидорли санъаткор Талъат Сайфиддинов қўлидаги доиранинг жарангдорлиги ва ўйноқилиги томошабинларга завқ-шавқ бағишлаяпти. Ўрта бўй, истараси иссиқ бу доирачининг табассум қилиб туриши шу кечага ўзгача кўрк, ўзгача файз ато этган...

Талъатда доира санъатига муҳаббат жуда эрта уйғонди. Самарқанддаги 38-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ унинг фикри-зикри ширин орзу-истаклар билан банд эди. Дуч келган жойда — парта борми, стол борми — қўли ўз-ўзидан кетиб қолаверарди. Буни кўрган дадаси: «Ўғлим, бизнинг авлоддан санъаткор чиқмаган, мен бунга йўл қўймайман», — деб қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, опаси доира сотиб олиб берган эди. Эски шаҳардаги 3-маданият уйига Талъат тез-тез қатнаб турарди.

Бир куни маданият уйининг директори Аслам Аҳмаджонов уни ўз хонасига таклиф қилди:

— Ука, кўпроқ қандай асбоб чалишга қизиқасан?

— Доирага, — деди Талъат ҳеч иккиланмай.

Шу-шу, маданият уйида доира чалиш сирларини эгаллай бошлади. Орадан бир ойча ўтгач, санъаткорлар пахта далаларида концерт намойиш қила бошладилар. Ёш доирачи Талъат саҳнага чиққанида ҳамма қуларди. Чунки стулда ўтирганида оёғи ерга тегмасдан турарди.

Кейинчалик ёш санъат ихлосманди Самарқанд мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Олтмиш иккинчи йилда Самарқанд шаҳрига «Баҳор» ансамбли гастролга келди. Талъат уч кун давом этган концертнинг биринчисини қолдирмай томоша қилди. Доира устаси Қаҳрамон Дадаевнинг сеҳрли чалган зарбларини ҳайрат билан тинглади. Ўшанда у ҳам: «Қани энди мен ҳам доирага жон бағишласам, томошабинлар олқишига сазовор бўлсам» — деб ширин орзу қилган эди. Завқи кетиб, найчи Раббим Ҳамдамовнинг ёнига бориб: «Мени Қаҳрамон ака билан таништириб қўйсангиз», деб илтимос қилди. Гастролнинг охирги куни эди. Ечиниш хонасида Қаҳрамон Дадаев билан учрашиб, ундан:

— Бир усул берсангиз, биздан келажакда доирачи чиқармикан? — деб илтимос қилди.

— Қани-қани доирани олингчи, бирорта усулни чалингчи, — дея қизиқди Қаҳрамон Дадаев.

Доирани олиб, уч-тўртта ўзбек усулларидан чалиб берди. Бундан хурсанд бўлган Қаҳрамон ака Талъатнинг елкасига қоқиб: «Қойил, Халқ артисти деган юксак унвонга сазовор бўлиш осон гапмас.

Талъатнинг оиласига ҳавасингиз келади. Унинг энг катта бойлиги-тўқсон уч ёшли онаси Лубат ая кўҳна Самарқандниг Боғибаландида кексалик гаштини суряпти. Бир ярим ёшли севимли набираси Ситора кириб келганида Талъат билан Гулсанамнинг хонадони бир пасда нурга тўлиб кетади. Қизи Асалхон бир чеккада қолиб, ардоқли набирасини ялаб-юлқашади. Фақат ҳозирча бу қувноқ даврада ўғли Давлатбек етишмайди. У Анқара дорилфунунининг иккинчи курс талабаси. Мустақил она-Ватанига турк, инглиз, араб тилларини мукаммал эгаллаб, етук мутахассис бўлиб қайтиш ниятида. Дарвоқе, Гулсанам Сайфиддинова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Баҳор»нинг истеъдодли раққосаларидан бири эди, ҳозир уй бекаси.

Истеъдодли доирачи Талъат Сайфиддиновнинг санъатдаги ютуғи, маҳорати йилдан-йилга ортиб бораётир. Мана, 1970 йилдан буён талантли хушовоз хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Ҳайрулла Лутфуллаев билан бирга «Баҳор»нинг ранг-баранг концерт дастурларида мунтазам иштирок этиб, санъат шинавандаларига олам-олам қувонч бахш этмоқда, шоирларга эса илҳом бағишлаяпти. Шоир Нормурод Нарзуллаевнинг «Талъатнинг чилдирмаси» номли шеърида шундай сатрлар бор:

Даврага чорлайди бизнинг
чилдирма,
Доира оҳангида қалблар
садоси,
Эй кўнгил, дўстларни бир
пас жилдирма,
Сабо қанотида эллар
садоси.

Катта санъат даргоҳидан ўзининг муносиб ўрнини топган, эл эъзози ва олқишига сазовор бўлган истеъдодли доирачи Талъат Сайфиддинов ҳар биримизни даврага чорлар экан, қўлидаги чилдирмаси ўйнайверсин, дўстбиродарларни рақсга, хурсандчиликка, эзгуликка бошлайверсин. Орзулари қанот қоқиб, ижоди гуллаб-яшнайверсин!

Миршароф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

• *Спорт*

НАФОСАТ БАҲСИГА ЧОРЛОВ

● **МАМЛАКАТИМИЗ фигурали учиш усталари Норвегияда ўтказиладиган қишги олимпиада ўйинларида иштирок этадиган бўлишди.**

Конькида югурувчилар халқаро уюшмаси (ИСУ)нинг Швейцариядаги Давос-Плац шаҳрида жойлашган қарорғоҳидан хушхабар келди. Маълум бўлишича икки нафар спорт жуфтлигидан иборат Ўзбекистон фигурачилар жамоаси «Лилле-94» олимпиада ўйинларига таклиф қилинган. Февраль-март ойларида ўтказиладиган бу йирик спорт анжуманида муз майдонида 23 жуфтликнинг маҳорат кўрсатиши лозимлиги инобатга олинадиган бўлса, фигурачиларимизнинг олимпиададан қуруқ қайтмасликларига умид қилиш мумкин бўлади. Боиси, халқаро майдонларда ўзларини кўрсатган Алика Стергиаду билан Юрис Разгуляев етакчи фигурачиларимиздан бўлиб, улар ўтган йили жаҳон чемпионатида кучли ўнликдан жой олишган. Осиё кубогининг икки бор соҳиби, халқаро ўйинлар совриндори бўлган Алика билан Юриснинг имкониятларига мухлислар ишонч билдирмоқдалар. Динора Нурдибоева билан Муслим Сатторов ҳам олимпиада баҳсида ўзларининг нафис ҳаракатлари билан олқиш олишга шайланмоқдалар.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

● **ТОШКЕНТда ўзига хос спорт либослари кўргазмаси очилди. Бу ерда хорижда тайёрланган маҳсулотлардан қолишмайдиган спорт кийим-кечакларини кўрганлар мамнун бўлишди.**

— Мақсадимиз бозор иқтисодиёти муносабатлари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, оммавийлигини таъминлашга ҳам таъсир қилишини ўзига хос йўл билан кўрсатишдан иборат, — дейди «Янгиер» футбол клуби акциядорлик жамияти бош директори Баҳром Давлатов. — Маҳсулотларимиз спорт мутасаддилари ва спорт мактаблари ўқувчиларига маъқул келаётганидан хурсандмиз. Биз ҳар бир клуб ҳозирги шароитга мослашиб, изланиб, имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда хайрли ишларни амалга ошириши мумкинлигини ўз тажрибамиздан кўриб турибмиз. Ишлаб чиқариш билан спорт фаолиятини уйғунлаштириш самарали кечмоқда. Даромадимизнинг 30 фоизини корхона тараққиётига сарфлаяпмиз. Қолгани эса футбол клуби эҳтиёжи, стадионни таъмирлаш, тартибга келтириш ва зарур жиҳозларни харид қилишга кетади. Шунингдек, «Янгиер» клуби ҳузурида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ҳам ёрдам берамиз. «Марчелла» фирмамизга вилоят ҳокимлиги кўмак бераяпти. Чунончи, шаҳар марказидан бизга қўшимча бино ажратиб берилди. Ниятимиз ишчи ўрнини 100 кишига етказишдан иборат. Ҳозирданоқ буюртмачилар сафи кенгайиб бормоқда. Ўйлаймизки, ишлаб чиқариш билан спортни яқинлаштира олган акциядорлик жамиятимиз янада ривожланади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Усмон Носир номли Тошкент Матбаа техникуми жамоаси техникум директори А. А. Мансуровга отаси

Абдураҳмон Ражабович МАНСУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда геология, геодезия ва хариталаш ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси Қашқадарё геология қидирув экспедициясининг бошлиги

Эргаш Носирович ЎТАНБОЕВнинг

бевақт вафот этганлиги сабабли марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт мусаҳҳиҳи

Маҳмуда МАҲСУДОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаётн бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 080120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—687. тир. 82.747. топширилди —22.00.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП. МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.